4000000 тонна тайёр!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 239 (18.117). • 16 октябрь 1981 йил, жума • Баҳоси 2 тийин.

СССР 60

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ўн биринчи беш йилликни зарбдор меҳнат билан нишонлайлик!

(КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллигига Чақириқларидан).

„Оқ олтин" хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 15 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

ТОШКЕНТ	1,15	100,02	1,34	107,05
Бухоро	1,41	86,29	1,57	77,54
Сирдарё	2,00	76,19	2,12	82,15
Жиззах	2,59	75,32	2,34	83,84
Қашқадарё	0,55	75,02	0,49	58,13
Наманган	1,51	70,92	1,98	60,78
Фарғона	1,21	68,67	1,59	53,38
Сурхондарё	1,47	67,25	1,34	50,98
Андижон	1,49	57,89	1,87	38,40
Хоразм	2,49	50,84	3,15	38,31
ҚҚАССР	2,46	41,08	2,50	24,25
Самарқанд	2,32	40,62	2,05	22,03
Республика бўйича:	1,63	66,61	1,78	57,35
Шу жумладан иккичка толали пахта:				
Бухоро	1,03	81,01	0,58	52,54
Наманган	2,02	75,86	5,00	61,00
Сурхондарё	2,00	61,10	2,00	49,10
Қашқадарё	0,98	40,23	0,38	14,70
Республика бўйича:	1,60	56,71	1,35	37,41

ТЕРИМ ЗАРБДОРЛАРИ

АНДИЖОН ОБЛАСТИ

Избоскан районидаги «Ўзбекистон» колхозининг чевар теримчиси **Ойтўти СУЛТОНОВА** кўпмингкилограммчилар мусобақасида пешқадамлик қиляпти. У кунига 160 килограмм, мавсум бошидан буён 8500 килограмм пахта терди. Мажбурияти — 14 тонна.

* * *

Андижон районидаги «Ленинград» колхозида кўпмингкилограммчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Булар қаторида чевар теримчи **Ҳайриҳон ҲУСАНОВА** ҳам бор. Унинг мажбурияти — 12 тонна. Бир кунда 150 килограмм, мавсум бошидан 8150 кклограмм дурдона терди.

БУХОРО ОБЛАСТИ

Вобкент районидаги «1-Вобкент» совхозининг илғор механизаторлари **Мардон НАИМОВ, Мирза ХАЙРИЕВ, Нусрат НЕЪМАТОВЛАР** ўз агрегатлари бункеридан 100—120 тоннадан ошириб чўл дурдонаси тўкдилар.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ

Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли колхозининг чевар теримчиси **Муборак ТУРСУНОВА** кунига 200—220 килограммдан пахта териб, мусобақада пешқадамлик қиляпти. У мавсумда 12 тонна дурдона териш мажбуриятини олган. Унинг хирмонга тўккан пахтаси 9000 килограммдан ошди.

* * *

Ульянов районидаги 20-совхознинг чевар теримчиси **Зуҳра ФАЙЗУЛЛАЕВА** теримчилар мусобақасида ғолибликни қўлдан бермай келяпти. У 15 тонналик «оқ олтин» хирмони бунёд этиш ишқида кунига 260—280 килограммдан пахта теришга эришяпти.

* * *

Толлимаржон районидаги «Самарқанд» совхозида қалб амри билан пахта тераётган ака-ука **Болта, Ҳамро, Қурбон, Уроқ, Уроз ва Комил НОРОВлар** 2000 тонналик маррани эгаллашди. Улар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш учун терим сурватини тобора оширишяпти.

МУРОЖААТГА ЖАВОБАН

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ — ХАБАР ҚИЛАДИ —

● 15 ОКТЯБРЬ ЭРТАЛАБГАЧА РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИГА 3.889.957 ТОННА ПАХТА ТОПШИРИЛДИ. АНА ШУ ҲОСИЛНИНГ 2,219.575 ТОННАСИ МАШИНАЛАР ЁРДАМИДА ТЕРИБ ОЛИНДИ. ЎТГАН КУНИ ПАХТАЗОРЛАРДАН 95.364 ТОННА ДУРДОНА ЙИҒИШТИРИЛИБ, ШУНИНГ 69,070 ТОННАСИ АГРЕГАТЛАР БУНКЕРИДАН ТЎКИЛДИ.

● МАВСУМ БОШИДАН БУЁН 209.844 ТОННА, ШУ ЖУМЛАДАН БИР КУНДА 5.938 ТОННА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ.

● Жиззах ва Хоразм областлари, Қорақалпоғистон АССРда ҳосил йиғим-терими жадал суръатларда боряпти.

● Об-ҳаво айниётган кезлар яқинлашмоқда. Шунинг учун ёғингарчиликлар бошланишига қадар қабул қилинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш йўлида ҳар бир ғаниматдан унумли фойдаланайлик!

● БУТУН КУЧНИ «ОҚ ОЛТИН» ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА САФАРБАР ЭТАЙЛИК!

МАШИНАЛАР ШАРОФАТИ

15 октябрь куни Арнасой р а йони чўлқуварлари машинада пахта териш йиллик планини уддаладилар.

Бу ерда 42 минг тонна «оқ олтин» агрегатлар бункеридан тўкилди. Ҳар бир машина билан мавсум бошидан бери ўртача 60 тоннадан пахта териб олинди. Райондаги Василевский номли, Рокоссовский номли, Жуков номли, Конев номли совхозларда машина терими плани 10—15 процент ошириб бажарилди.

Область далаларида 582 машина ишлаяпти. Улар ёрдамида ҳар куни 1000—1200 тонна пахта териб олинмоқда.

* * *

Тошкент технологиясини жорий этган Толлимаржон райони механизаторлари машинада пахта териш планини бажардилар.

Райондаги мавжуд 197 агрегат ёрдамида кўзда тутилган 16.850 тонна ўрнига 17.320 тонна «оқ олтин» териб олинди. Йиғим-теримда «Коммунист», «Наабаҳор», «Туркманистон», «Самарқанд» совхозларининг механизаторлари пешқадамлик қилмоқдалар.

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Китоб районидаги Свердлов номли совхоз деҳқонлари давлатга 4,250 тонна пахта топшириб, йиллик планни уддаладилар.

Хўжаликда гектаридан 38 центнердан ҳосил кўтарилди. Хўжалик заршунослари Октябрь байрамигача давлатга яна 500 тонна «оқ олтин» топшириш, ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш мажбуриятини олишди.

* * *

Толлимаржон районидаги «Коммунист» совхози чўлқуварлари ҳам йиллик маррага етиб келишди. Совхоз заршунослари қабул пунктларига 4.408 тонна «оқ олтин» топширдилар. Совхознинг Адолат Носирова, Сафар Тожиев, Ҳасан Омонов бошлиқ бригадалари гектаридан 40—45 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олишди.

ИЛҒОРЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ

Боғот районидаги Нариманов номли колхознинг Хударган Ҳусанов бошлиқ бригадаси аъзолари пахта тайёрлаш йиллик планини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

Бу ерда гектаридан 41 центнердан пахта ҳосили кўтарилди. Ҳосилнинг 90 процентини машиналар ёрдамида йиғиштириб олинди.

Янгиариқ районидаги Чапаев номли, Гурлан районидаги «Қорақалпоғистон», Боғот районидаги Димитров номли, Урганч районидаги «Комсомол» колхозларида машина ва қўл терими суръатлари жуда паст. Бу хўжаликларда кунлик ўсиш областнинг ўртача кўрсаткичидан анча паст бўлиб, йиллик планнинг 1,2—1,7 процентидан ошмаётир.

МАРДОНА МЕҲНАТ САМАРАСИ

Қорақалпоғистонда механизаторлар мусобақаси кенг авж оляпти.

Кегайли районидаги Муса Жалил номли совхознинг пахта тайёрлаш йиллик планини бажарган Куйбишев номли бўлими механизаторлари Муротбой Абдумуродов, Турдимурод Турсимуротов, Муротбой Бойқувватов ва Каут Бекназаровлар саккиз кун мобайнида мардона меҳнат қилдилар. Ҳар бир машинанинг кунлик иш унуми 12 тоннани ташкил этди.

Элликқалъа районидаги «Октябрь 60 йиллиги» совхози механик-ҳайдовчиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Искандар Қаландаров ўтган куни икки қаторли машинаси бункеридан 19 тонна пахта бўшатди. У мавсум бошидан буён 325 тонна «оқ олтин» терди.

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

Ленин йўли районидаги Будённий номли совхозда СССР Олий Совети депутати, СССР Давлат мукофоти лауреати Холмўмин Сафаров бригадаси деҳқонлари социалистик мажбурият ҳисобига пахта топшира бошладилар.

Илғор коллектив 264 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36,5 центнердан ҳосил олди ва давлатга қариб 1000 тонна дурдона топширди. Асосий қисми ингичка толали пахта бўлган ҳосилнинг деярли ҳаммасини бригада механизаторлари териб беришди. Бу бригада бригада сардорининг ўзи намуна - кўрсатди. У ўз машинаси бункеридан 475 тонна «оқ олтин»ни тўкди.

Ҳозир Сурхондарё областида бир хўжалик, 12 бўлим ва 235 бригада социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширяпти.

Ўтган куни область тайёрлов пунктларига 7423 тонна пахта топширилди, унинг ярмидан кўпи ингичка толали хом ашёдир. Область далаларига 1627 машинани киритган азамат механизаторлар «оқ олтин»нинг учдан бир қисмидан кўпроғини бункерларидан тўкишди. Ҳар бир машина билан ўртача 1,7 тоннадан пахта терилди. Техникадан самарали фойдаланаётган Ленин йўли, Гагарин, Жарқўрғон районларининг механчилари энг юқори унумдорликка эришдилар.

Замондошларимиз

ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ

«Халқ сизларнинг имкониятларингизни билади ва сизларни севади. Ана шу меҳр-муҳаббат ва ишонч зиммангизга кўпгина мажбуриятлар юклайди, бугун эса даставвал ҳосил тақдири учун юксак масъулият юклайди» дейилади республика партия ва ҳукуматининг даъватқор Мурожаатида. Ҳақли равишда дала гвардиячилари деб ном олган биз механизаторларга шунчалик юксак ишонч билдиришни кимни қувонтирмайди, — дейди Қорақалпоғистон АССР Элликқалъа районидаги «Элликқалъа» совхозининг илғор механизатори Тожибой Тўраев. — Биз бунга жавобан бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишлаймиз.

Мурожаатга жавобан кўплаб механизаторлар ўз зиммаларига мажбуриятлар олмоқдалар. Донгдор механизатор Тожибой Тўраев ўтган йилги мавсумда 170 тонна пахта терган эди. Бу йил эса 250 тонналик марра учун курашяпти. У ваъдага вафо қилиш учун астойдил меҳнат қилиб, ўз агрегати бункеридан кунига 8—10 тоннадан пахта тўкишга муваффақ бўляпти. Суратда: илғор механизатор Тожибой Тўраев.

А. Қаюмов фотоси.

ҚАРДОШЛАР МУСОБАҚАСИ — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Ўзбекистон ССР, Фарғона областининг Ўзбекистон райони билан Тожикистон ССР, Ленинобод областининг Хўжанд райони анъанавий мусобақани кучайтириб, пахта йиғим-теримида юксак натижаларга эришмоқда. Қуйида шу ҳақда ҳикоя қилинади.

КОММУНИСТЛАР ЕТАКЧИЛИГИДА

А. ПАЙҒАМОВ,

Ўзбекистон район партия комитетининг биринчи секретари

РАЙОНИМИЗ пахтакорлари тожик мусобақадош дўстларимиз билан якдилликда имзолаган шартномага мувофиқ 1981 йилда ҳар гектар майдондан 35 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариб, давлатга 55 минг тонна пахта сотиш мажбуриятини олганлар. Давлатимиз ёрдами, халкимиз меҳнати, мусобақадошларимиз кўмагида мажбуриятимизни қоплайдиган даражада юқори ҳосил етиштирилди. Йиғим-терим ишлари кучайтирилган график асосида тезкорлик билан олиб бориляпти. Бугунга қадар йиллик пахта тайёрлаш плани 80 процентдан ошириб бажарилди.

Районимиздаги «Ғаниобод» совхози Хўжанд районидаги икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саидхўжа Ўринхўжаев номли колхоз билан, Ғафур Ғулом номли колхозимиз Куйбишев номли колхоз билан мусобақадош. Шунингдек ҳар икки райондаги пахта тозалаш заводларининг коллективлари ҳам бир-бирлари билан мусобақа боғлаганлар.

«Ғаниобод» совхозимиз бу йил 26 минг тонна «оқ олтин» тайёрлайди. Р. Мусаев, Ш. Маматов, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати М. Абдусаматова, А. Баратов, Т. Эгамовлар бошчилик қилаётган бригадалар 50—55 центнерлик ҳосил учун курашяпти. Ҳозиргача 35—36 центнерлик маррани эгаллашди. Хўжаликда машиналар кудратли кучга айланган. Мавсумда 250 тонна пахта териш мажбуриятини олган механизаторлардан Й. Рўзиқулов, Х. Эргашев, Н. Эгамов, И. Йигиталиевлар кунига 5—6 тоннадан пахта теріб, мусобақада пешқадамлик қилишяпти.

Ғафур Ғулом номли колхоз 6.400 тонна пахта тайёрлаб, йиллик планини бажарди. 8.000 тонналик «оқ олтин» хирмони учун курашяпти. Ленин номли, «Пахтақайнар» колхозлари, «Комосомол» совхози ва бошқа хўжаликларимизда ҳам терим суръати тобора оширилляпти.

Районимиз бўйича ялпи ҳосилнинг 70 процента машиналарда терилади. 180 дан зиёд «зангори кема» ишлаяпти. Шунингдек, 25 минг теримчи фидокорлик билан меҳнат қиляпти. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати донгдор механизатор Абдураҳмон Орипов, Ўринхўжа Султоновлар каби дала гвардиячилари отрядларига моҳирлик билан бошчилик қиляптилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг яқинда эълон қилинган Мурожаатида колхозчилар, совхозларнинг ишчиларига қарата бундай дейилган:

— Етиштирилган аъло даражадаги ҳосилда сизларнинг фидокорона меҳнатингиз, қалбларингизнинг ҳарорати ва қўлларингизнинг маҳорати мужассамдир. Мана шу чинакам баҳодирона етиштирилган ҳосилнинг лоқал бир чаноғи ҳам нобуд бўлишига йўл қўйиш мумкинми ахир!

Ҳар бир дақиқани ғаниматбилиб, кўпмингкилограммчилар сафини кенгайтирингиз, юксак меҳнат унумдорлиги учун, ҳар бир киши мавсум давомида камида 10—12 тонна пахта териши учун курашингиз! Ҳар бир теримчи кунлик пахта теришни фақат бир килограмм оширса республика хирмонига 5—8 минг тонна кўп пахта қўшилади.

Механизаторларимиз, теримчиларимиз, ёрдамчиларимиз — ҳамма районимизнинг 55 минг тонналик «оқ олтин» хирмонини тезроқ бунёдга келтириш йўлида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қиляпти. Бунга сўзсиз эришамиз!

ЮКСАК МАРРАНИ КЎЗЛАБ

И. УМАРОВ,

Хўжанд район партия комитетининг биринчи секретари

ҲОЗИРГИ кунларда ҳамма далада, ҳамма пахта теримида ва тайёрлашда ишлаётганлар ўз фурсат ажратганини ҳисобга олиб, халкимиз партия ташкилотлари бошчилигида барчамиз ҳосилни тез ва юқори сортлар билан теріб олиш учун жонбозлик кўрсатиб меҳнат қиляпти. Ҳар доим бўлгани каби, терим фаслида ҳам мусобақадош ўзбек дўстларимизнинг ҳамкорлигини ҳар қадамда сезиб турибмиз. Бу йил районимиз бўйича давлатга 50 минг тонна «оқ олтин» армуғон этамиз. Ҳосилдорликни мусобақадошларимиз эришган даражага етказамиз.

Фрунзе номли колхозимиз пахтакорлари ҳар гектар ердан 42 центнердан «оқ олтин» теріб олиш, давлатга камида 5 минг тонна пахта сотиш учун курашмоқдалар. Улар теримда карвонбошлик қилишаётир. Узоғи билан бир ҳафта ичида ғалаба рапортига имзо чекадилар. Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саидхўжа Ўринхўжаев номли колхоз меҳнат ахли 7700 тонна «оқ олтин» тайёрлашга аҳд қилган. Ҳосилдорликда 40 центнерлик маррасини эгаллаш пахтакорларнинг шарафли бурчига айланди. Колхоз йиллик планнинг учдан икки қисмига яқин пахта тайёрлади. Ленин номли, «Роҳий Ленин», Азизов номли, «Тожикистон» колхозлари ҳам пахта тайёрлашда олдинги ўринларда бораётир.

Йил пахтачилик учун анча ноқулай келди. Табиий офатлар кўп бўлди. Лекин пахтакорларимиз бўш келмадилар, қийинчиликларни мардлик билан енгиб, юксак мажбуриятларини бажаришга етиб ортадиган миқдорда пахта етиштирдилар. «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуллажон Бобожонов бошлиқ бригадаси 50 центнерлик ҳосил учун курашяпти. Дадажон Тоҳиров, Ачаой Эргашева, Марҳамат Зоҳирова, Отажон Раҳмонқулов, Насриддин Жумаевлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг пахтакорлари ҳам шундай маррани забт этишга киришдилар.

Бу йил районимиз бўйича 20 минг тонна пахтани машиналарда теріб олишга қарор қилганмиз. Лекин дала гвардиячиларимиз бу кўрсаткични 25 минг тоннага етказамиз демокдалар.

Шу кунларда пахтазорларда 165 та машина икки сменада ишлатиляпти. Ҳар бири билан 7—8 тоннадан дурдона теріляпти. Фрунзе номли колхоз механизатори СССР Олий Совети депутати Ҳайринисо Бобоеванинг бункерлардан тўккан пахтаси 300 тоннадан ошиб кетди. Донгдор механизатор Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Дилбаринисо Нурматова ҳам шундай кўрсаткичга эришди. Пўлат Камолов, Нодир Раҳимов, Уктам Раҳимбердиев ва бошқа механизаторларимиз кўрсатаётган жасоратдан мамнунмиз.

Дақиқалар ғаниматлигини, ҳосил тақдири ҳозирги долзарб кунларда ҳал қилинишини яхши тушунамиз. Шу сабабли, қалбида виждони, билагида кучи бор кишиларнинг ҳаммасини теримга сафарбар этдик. Кунига йиллик планнинг 4—5 проценти миқдорида пахта тайёрланишига эришяпмиз.

Шу кунларда фикри-зикримиз пахтада. Куч-ғайратимиз, техника воситаларини теримни соатлар сайин кучайтиришга сафарбар этяпмиз. Пахта бойлигимиз, қардош халқларимиз абадий дўстлигининг рамзидир. Унинг бир чаноғини ҳам нобуд қилмаймиз, сўнгги граммларигача теріб оламиз. План ва мажбуриятимизни шараф билан бажариб, ёруғ юз билан мусобақадошларимизга рапорт берамиз.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН СОҲИБКОР ВА САБЗАВОТКОРЛАРИ ҒАЛАБАСИ

Қорақалпоғистон соҳибкор ва сабзавоткорлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини амалга ошира бориб, Улуғ Октябрнинг 64 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақани кенг авж олдириб, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида мева-сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар ва бу экинларни йиғиштириб олиш ҳамда тайёрлашни уюшқоқлик билан ўтказдилар, давлатга картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари, ҳўл мева ва узум сотиш юзасидан йиллик планни муддатидан илгари бажардилар. Савдо тармоқларига, умумиттифоқ фондига ва қайта ишлаш корхоналарига 100 минг тоннадан кўпроқ мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди. Мамлакатнинг саноат марказларига 28 минг тонна полиз маҳсулотлари ва мева жўнатилди.

Ҳамма районлар шу йилги топшириқнинг бажарилишига катта ҳисса қўшдилар. Нукус райони қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга 30 минг тонна, Хўжайли райони 16 минг тонна, Чимбой райони 6,5 минг тонна, Беруний райони 6 минг тонна мева-сабзавот маҳсулоти сотдилар.

Сабзавоткорлар ва боғбонлар бу муваффақиятга фидокорона меҳнатлари ва юксак маҳорат туфайли, партия, совет, қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш органлари, касаба союз, комсомол ташкилотлари катта ташкилотчилик ва сиёсий иш олиб борганликлари туфайли эришдилар.

Кейинги йилларда мева-сабзавот маҳсулоти етиштиришнинг анча кўпайганлиги — партия аграр сиёсатининг муваффақиятли равишда рўёбга чиқарилаётганлиги, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва концентрациялашнинг амалга оширилаётганлиги натижасидир. Бу эса ана шу тармоқни интенсивлаш, ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш учун чексиз имкониятлар очиб берди.

Қорақалпоғистон мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни аграр-саноат бирлашмасининг ихтисослашган хўжаликлари давлатга 100 процент картошка, 60 процент мева, 30 процент сабзавот топширдилар. Мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш давом этмоқда.

Автоном республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг барча турларини етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан ўн биринчи беш йиллиқнинг биринчи йили мажбуриятларини муваффақиятли равишда бажариш учун бутун куч-ғайратларини сафарбар этмоқдалар. [ЎзТАГ].

ОЛИЙ МАКТАБНИНГ ФАХРЛИ БУРЧИ

Совет мутахассиси — аввало тоғ маъноси билан граждан, партия ва халқ иши учун эътиқодли курашчидир. Шу боисдан ҳам жамиятимиз олий мактабдан диалектик-материалистик дунёқараш билан қуролланган, омма ўртасида ташкилотчилик ва агитация-пропаганда ишини олиб боришга қодир бўлган юксак малакали кадрларни кутади. Нотиклар олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Москвада ўтаётган Бутуниттифоқ кенгаши минбарида туриб сўзлаган нуткларида ана шуни таъкидладилар.

15 октябрь куни мунозаралар секция мажлисларида давом эттирилди. КПСС тарихи, фалсафа, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм секциялари ишлади. Сўзга чиққан ўрток лар М. А. Суслов нуткини муҳокама этиб, КПСС XXVI съезди қарорлари асосида ижтимоий фанларни ўқитишни ва студентларни коммунистик руҳда тарбиялашни яхшилашга, марксча-ленинча назариянинг актуал проблемалари илмий тадқиқотларини чуқурлаштиришга қаратилган тақлифлар киритдилар.

(ТАСС мухбири).

МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ МУҲАММАД ҲУСНИ МУБОРАК ЖАНОБЛАРИГА

Миср Араб Республикасининг Президенти қилиб сайланганлигингиз муносабати билан қутловларимни қабул килгайсиз.

Миср билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни мамлакатларимиз халқларининг манфаатлари ва Яқин Шарқда одилона тинчлик ўрнатиш йўлида яхшилашга Сизнинг тайёр эканлигингизни Совет томони ҳамиша англаб, қўллаб-қувватлаб кутиб олишига амин бўлаверишингиз мумкин.

Л. БРЕЖНЕВ.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРАМИЗ!

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА — 60 ЗАРБДОР ҲАФТАЛИК!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
МУСОБАҚА МИЛЛИОНЛАР УЧУН
1981 ЙИЛ • ОКТЯБРЬ • № 10 (91)

МАЖБУРИЯТЛАРИНГИЗНИ ҚАНДАЙ БАЖАРЯПСИЗ?

АНЪАНА ВА ДАЪВАТИ

Халқимизнинг ажойиб анъаналари бор. Партия ва халқ ҳаётида энг муҳим ҳисобланган саналарни катта меҳнат зафарлари билан нишонлаш — ана шундай анъаналаримизнинг бири. Бутун совет халқи партия XXVI съезди қарорларини бажариш юзасидан қизғин кураш олиб бораётган шу кунларда кўп миллатли совет халқининг буюк байрами — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш ҳаракати юзага келди. Ўзбекистон халқ хўжалигининг турли тармоқлари меҳнаткашлари ана шу шонли санани катта сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги билан кутиб олишга ҳаракат қилиб, оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми республикадаги илғор меҳнат коллективларининг «СССР ташкил топганлиги 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик!» шиори остидаги ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади. Ана шу мажбуриятлар қабул қилингандан буён бир ойча вақт ўтди. Илғор ишчилар, пешқадам цехлар, корхоналарнинг коллективлари, пахтакор хўжаликларнинг азаматлари мажбуриятларни бажариш йўлида олга қараб дадил қадам ташламоқдалар. Тошкент шаҳридаги Ҳамза районн, Ангрен, Жиззах шаҳарлари, Амударё, Пахтаобод, Ромитан, Пахтакор, Қамашн, Уйчи, Ургут, Жарқўрғон, Оҳангарон, Галаба, Кироа, Ҳонқа районларининг меҳнаткашлари бу шонли ҳаракатда фаол иштирок этмоқдалар.

1982 йил декабрда нишонланадиган юбилейгача республика саноатининг ишчи ва мутахассислари пландан ташқари 700 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш, қўшимча 500 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш учун юриш бошладилар. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йил охиридагига қараганда 14 процент ортади. Меҳнат унумдорлиги 8 процент кўтарилади. Капитал қурилиш соҳасида улкан марралар кўзланмоқда. Навоий ГРЭСида 210 минг киловаттли ўн иккинчи блок, Олмалиқ химия заводида, Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Тошкент трактор заводида, Андижон, Бухоро тўқимачилик комбинатларида янги қувватлар фойдаланишга топширилади.

Халқимиз ҳаётидаги шонли санани катта меҳнат зафарлари билан нишонлаш учун кураш ҳаракатида ажойиб натижалар қўлга киритилмоқда. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг 344-механизацциялашган кўчма колоннаси коллективи Олмалиқ кон-металлургия комбинати объектларини қуришни жадаллаштиришда юксак натижаларга эришмоқда. Бу коллектив сентябрь ойи социалистик мусобақасида голиб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлари Совети, Ўзбекистон касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи ҳамда пул мукофотини олишга сазовор бўлди. Бухородаги 10-йўл қурилиш бошқармасининг автогрейдер машинисти П. Давидюк СССР 60 йиллиги шарафига катта марраларни кўзлади. Шу беш йиллиқда кампада ўн йиллик нормани адо этишга аҳд қилган механизатор кейинги тўққиз ойнинг ўзида уч йиллик шахсий нормаси ҳажмида иш бажарди. Бунга у қўшимча касбларни эгаллаш, машинистлик маҳоратини такомиллаштириб бориш натижасида эришмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми республика меҳнат коллективларини КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини бажара бориб, СССР юбилейини муносиб нишонлашга даъват қилди. Бунинг учун социалистик мусобақани ташкил этишни юксак даражага кўтариш, ҳар бир коллективда ижодий изланиш, топширилган иш учун масъулият, камчиликларга муросасизлик вазнити вужудга келтирилиши керак. Партия, совет, касаба союз, комсомол, хўжалик ва жамоат ташкилотлари оммавий ватанпарварлик ҳаракатидан омилкорлик билан фойдаланиб, меҳнат коллективларининг куч-ғайратини 1981 ва 1982 йиллардаги, умуман ўн биринчи беш йилликдаги топшириқларни тўла ва ошириб бажаришга, меҳнаткашлар фаровонлигини ўстиришни таъминлашга қаратишлари лозим.

Республика саноатининг азаматлари тўққиз ойлик маҳсулот реализация қилиш планини муваффақиятли бажардилар. Плондан ташқари анчагина маҳсулот, шу жумладан кўплаб халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришга эришилди. Бинокорлик ва монтажлаш ташкилотларининг коллективлари қатор объектларда бинокорлик ишлари даражасини яхшилашга муваффақ бўлдилар. Анчагина ишлаб чиқариш объектлари ҳамда уй-жой бинолари фойдаланишга топширилди. Урта Осиё темир йўлининг ташаббускор локомотивчилар бригадалари оғир юкли поездларни маҳорат билан бошқариб, ёнилғи тежашга, плондан ташқари халқ хўжалиги юкларини ташиб беришга эришмоқдалар.

Вазифа — СССР 60 йиллигини шонли меҳнат зафарлари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани тағин ҳам авж олдиришдан, вужудга келган яхши тажрибаларни оммалаштиришдан, бутун куч ҳамда имкониятларни олинган юксак социалистик мажбуриятларнинг албатта бажрилишини таъминлашга қаратишдан иборат. Халқимиз анъанаси шуни даъват этади.

«Жанубий Оламушук» нефть кони Хартум участкаси нефтчилари СССРнинг 60 йиллиги юбилейини меҳнатда катта ютуқлар билан кутиб олишга бел боғлашган. Ҳозир бу ерда ҳар куни беш минг кубометргача газ қайта ишланмоқда. Беш йиллик охирига бориб бу рақам бир кеча-кундузда 20 минг кубометрга етади. Суратда: участкининг илғор нефтчи ва газчиларидан ота-бола Маъруфжон Нишонов билан Тожиддин Нишонов.

Р. Ашуров фотоси. (ЎзТАГ).

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ИШЧИЛАР СИНФИ, КОЛХОЗЧИ ДЕҲҚОНЛАРИ, ЗИЁЛИЛАРИ, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИ СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ УЧУН ОММАВИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ҲАРАКАТИНИ ЯНАДА КЕНГ АВЖ ОЛДИРИБ ЮБОРАДИЛАР, ШОНЛИ ЮБИЛЕЙНИ КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШДА, КПСС XXVI СЪЕЗДИНИНГ ТАРИХИЙ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЯНГИ КАТТА МУВАФФАҚИЯТЛАР БИЛАН НИШОНЛАЙДИЛАР, ДЕБ ҚАТЪИЙ ИШОНЧ БИЛДИРАДИ.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми қароридан).

«УРОҚ ВА БОЛҒА» ИТТИФОҚИГА САДОҚАТ

ДАҚИҚАЛАРНИ ҒАНИМАТ БИЛИБ

Ўлкамизда олтин куз. Бебаҳо бойлигимиз — пахтани йиғиб-териб олиш қизғин палларга кирган. Унда қатнашаётган ҳар бир кишининг хаёлида ёлғиз фикр ҳукмрон: «Агар ҳосилни тезроқ териб олмасак, ҳадемай ёғин-сочинли кунлар бошланади. Унда қийналиб қолиш турган гап. Техникадан фойдаланиш қийинлашади. Сўнгра ва сифат пасаяди». Бу ўй, бу ҳаёл фақат деҳқонни эмас, шаҳарликларни ҳам чулғаб олган. Ҳамма вақт деҳқоннинг энг яқин мададкори, қаноти бўлган ишчилар «Урок ва Болға» бузилмас иттифоқига чексиз садоқатларини намойиш этиш мақсадида яна пахтазор қўйнига отландилар. Шаҳарда қолганлар эса, қишлоқ меҳнат аҳлининг оғирини енгиллатиш, буюртмаларини тезроқ ado этиш учун янада зўр ғайрат билан ишлаяптилар. Қуйида шу ҳақда ҳикоя қилинади.

СУРЪАТ ТЕЗЛАШДИ

Н. МАҚСУДОВ,
«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи-слесари:

— Яхши биламиз, ҳадемай далаларда пахта териш машиналари ўрнини кўрак ўзиш агрегатлари эгаллайди. Кейин навбат кўрак чувиш машиналарига келади. Буни яхши тушинган корхонамизнинг ҳар бир ишчиси тобора кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулот тайёрлашга интилмоқда. Иш уч сменада ташкил этилган. Бутун коллективнинг куч-ғайрат сарфлаши натижасида кўрак чувиш машиналари ва бошқа техника воситалари ишлаб чиқариш тўққиз ойлик плани ортиғи билан бажарилди. Хўжаликларга йил бошидан бери 2450 та «УПХ—1,5 В» агрегати жўнатилди. Ушбу муваффақиятда йиғувчи-слесарь Ш. Ильязов, пресссловчилардан М. Эшмурадов, М. Шодмонов, токарь А. Ёқубов сингари зарбдорларнинг баракали улуши бор.

Коллективимиз вазиятни эсобга олиб, октябрь ойида кўрак чувиш машиналари тайёрлаш суръатини оширишга қарор қилди. Бунинг учун резервлар сафарбер этилмоқда. Айни пайтда келаси мавсумни ҳам ўйлаялмиз. Йил охиригача кенг қатор ораларига чигит экувчи 3 минтта агрегат яратиб бериш мажбуриятини олдик. Келаси йилдан бошлаб «СХУ-4» универсал сеялкасини ишлаб чиқаришни ўзлаштирамиз.

АНЪАНА

Б. МИРЗАҚУБОВ,
Тошкентдаги 3-таксопарк шофери:

—Коллективимиз 1975 йилдан бошлаб, Жиззах область Октябрь районидаги Охунбобоев номли совхозга отлиқ ёрдами кўрсатиб келади. Ушанда таксопаркимизда механизаторлар бригадасини ташкил этиш фикри туғилган эди. Бригада яхши самара берялти. Масалан, Миразиз Акбаров беш йилдан бери терим мавсумида пахтазорда жавлон уради. У ўтган йили «энгнори кема»да 130 тонна пахта териб, кўпчилик олқишига сазовор бўлди. Ҳамкасбларимдан Г. Резников, О. Уркинлар ҳам 1980 йилда юз тоннадан «оқ олтин» териб топширишга эришдилар. Улар орасида мен ҳам бўлганимдан фахрланаман. Биз ҳар биримиз ўн биринчи беш йиллик тўнғич йилида 120 тоннадан пахтани бункерлардан тўкишга сўз берганмиз. Умуман эса коллективимиз мавсум охиригача жами 1700 тонна «оқ олтин» териб бериш иштиёқи билан ёнмоқда.

Оталиқ ёрдамимиз фақат пахта териш билан чекланмайди. Шу йилнинг ўзида 50 та прицеп, 6 та подборчшик, 5 та кўрак чувиш машинасини ремонт қилиб бердик. Беш минг сўмлик эҳтиёт қисмларни тайёрлаб, совхозга армуғон этдик. Бу лардан ташқари, қўрқ хўжаликда ичимлик сув тақчиллигини ҳисобга олиб, ҳар кўча бошига прицеп-цистерналар ўрнатиб қўйдик.

ЖАНГОВАР ШИОР

А. ШАМСУДДИНОВ,
Ангрен резина-техника заводи директорининг ўринбосари:

—Бугун ҳаммамиз пахтакормиз! Бу даъватқор сўзлар ҳар бир ангренликнинг жанговар шиорига айланган. Ҳозир оталигимиздаги Бўка райони пахта далаларида Ангрен шаҳрининг 54 та саноат корхонаси, транспорт, қурилиш ва алоқа ташкилоти вакиллари жонбозлик кўрсатиб ишламоқдалар. Бу лар орасида шаҳримиз корхоналари ва ташкилотлари маблағига сотиб олинган 12 та «зангори кема»нинг дарғалари ҳам бор. Улар мавсум бошидан бери минг тоннадан зиёд «оқ олтин» теришга муваффақ бўлдилар. Шу ўринда корхонамиз мастери У. Бекназаров бошлиқ экипажнинг меҳнатсеверлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Экипаж слесарлари: И. Эрматов, Э. Танганитов, пресссловчи Ф. Холисовлардан иборат. Гап шундаки, улар ўтган йилиёқ ўз меҳнат отпускаларини пахта йиғим-теримида ўтказиш ташаббуси билан чиққан, иккита машинада 300 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» терган эдилар. Уларнинг бу йилги аҳди янада улуғроқ.

Умуман олганда, корхонамиздан 450 ишчи ва хизматчи қишлоқда қатнашяпти. Шуларнинг 300 нафари райондаги Минурин номли колхозда 30 сентябрдан бери пахта термоқда. 150 киши эса сменалар тугаги ва дам олиш кунлари ёрдамга чиқаётир. Қишлоқчиларнинг яхши ишлашлари туфайли заводимиз пахта йиғим-теримида қатнашаётган шаҳар саноат корхоналари ва ташкилотлари орасида голиб чиқмоқда.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМАНДИРЛАРИ МИНБАРИ

КАФОЛАТ

Заводимиз ҳар йили 6300 дан зиёд лифт ишлаб чиқаряпти. Ўтган беш йилликда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати 148 процентни ташкил этди. Ишлаб чиқариш жараёнлари янги техника билан қуроллантирилди, янги корпуслар ишга туширилди. 363 та рационализаторлик таклифи ҳаётга йўлланма олди. Буларнинг ҳаммаси кўпгина мураккаб жараёнларни соддалаштириш, қимматбаҳо материалларни тежаш, исроф-гарчиликнинг олдини олишда муҳим роль ўйнади. Пировардида, маҳсулот сифати ортиб, иқтисод ва тежамкорликда яхши натижаларга эришилди.

Корхона коллективи йиллик ва ўн биринчи беш йиллик топшириқларини барвақт бажаришга астойдил бел боғлаган. Шу йилнинг ўзида планга қўшимча 200 минг сўмлик маҳсулот тайёрланиши кўзда тутилган. Ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 87,5 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига эришилади. Материалларни тежаб-тергаб ишлатиш йўли билан қарийб 90 минг сўм фойда кўриш тадбирлари белгиланган.

Корхонанинг мавжуд ўн бир цехида ўтган саккиз ойда 240 тонна қора, 12 тонна рангли металл тежаб қолинди. Бундан ташқари 100 минг киловатт-соатга яқин электр энергияси, ёқилғи-ёнилғи, лак-бўёқ маҳсулотлари иқтисод қилинди.

Юқори даражадаги тежамкорликка эришиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини оширишда Юрий Жандармов бошқараётган механика цехи коллективининг иши, айниқса, диққатга сазовор. Цех коллективи корхонада биринчи бўлиб «Тежамкорликка — ишчи кафолати» меҳнат шиорини кўтариб чиқди. Шунингдек, Владимир Гончаров етакчилик қилаётган тайёрлаш-тамғалаш цехи коллективи рангли ва қора металларни тежаб ишлатишда юқори самарадорликка эришди, исрофгарчиликка барҳам беришнинг аниқ системасини жорий қилди ва мусобақада совриндор ўринни эгаллади.

Завод коллективи қабул қилган социалистик мажбуриятларда 1981 йилда ялпи маҳсулотнинг 61,8 процентини давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Бунга эришиш учун, аввало, замонавий техника воситаларидан 22 хили ўзлаштирилади. Комплекс механизациялаштирилган учта янги участка фойдаланишга топширилади. «А-1197» ярим автомат ускунаси, фрезер головкасини ўткирлайдиган автомат дастгоҳлар ўрнатилади. Бу ҳам маҳсулот сифатини яхшилаш билан бирга меҳнат сарфини камайтиради, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштиради, тежамкорлик салмоғини оширади.

Корхонамиз маҳсулотлари сифатининг яхшиланиши, тежамкорлик ҳаракатининг кучайиши борасида инженер-конструкторлик бюроси коллективининг, хусусан, рационализаторларнинг хизмати катта эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Биргина ўтган йили корхона рационализаторларидан 90 дан зиёд таклиф тушиб, уларнинг асосий қисми жорий этилди.

Съездлар йилида 80 дан зиёд рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришда қўллаш, улардан 120 минг сўмлик моддий фойда олишни назарда тутган корхона рационализаторлари ўтган ойлар мобайнида меҳнат жараёнларини такомиллаштириш ва кўплаб материалларни иқтисод қилиш имконини яратувчи 55 та илмий-техникавий таклифлар киритишди. Бунинг 30 га яқини ҳозироқ ишлаб чиқаришга йўлланма олди.

Корхона рационализаторлари ҳақида гап кетганда Б. Давидов ва А. Теннинг номини барча ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади. Улар яратган металл коробкаларни пластмасса коробкалар билан алмаштириш методи заводга йилига 210 тонна қора металл прокатини тежаш имконини туғдирди, коробкалар сифати яхшиланди, монтаж ишлари осонлашди. Тажрибали рационализатор Л. Дащкининг таклифи туфайли эндиликда йилига 190,6 тонна қора металл тежалиб, 32 минг сўм иқтисодий самара олинмоқда. Шунингдек, инженер-конструктор Н. Беляеванинг қистирувчи коробкаларни ўрнатиш юзасидан киритган янгилиги, А. Савкина, М. Усеинов каби рационализаторларнинг химикатларни тежаш устидаги изланишлари ҳам салмоқли иқтисодий самаралар берди.

Шу кунларда завод коллективи лифтларнинг асосий узелларидан бири — шахта эшиги тўсинини бошқаришни соддалаштириш устида ишламоқда. Рационализаторлардан А. Тен, В. Тёмкин ўртоқлар киритган бу таклиф ишлаб чиқаришга жорий қилингач, корхона ҳар йили 100 минг сўмлик фойда ола бошлайди. Б. Давидов, В. Ли сингари ихтиророчиларнинг кабиналарни ўраш-жойлаш конструкциясини ўзгартириш тўғрисидаги таклифи ҳам тез кунларда ҳаётга йўлланма олади. Бунар келгусида яна кўпгина маҳсулотларни тежаш имконини беради.

Лифтсозларимиз завод маркаси учун курашда фаол қатнашиб, сифат ва самарадорликни таъминлаш, тежамкорлик режимига қатъий амал қилиш борасида область саноат корхоналари ўртасидаги мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Коллектив СССРнинг 60 йиллигига зарблор вахтада ишлаб, йиллик планни 7 ноябрга қадар бажаришга сўз берган. Республикамизнинг ўн беш илғор ишчиси ташаббусига қўшилган коммунистлардан — Рашид Мелиев, Александр Роднишевский ва мусобақа пешқадами Александр Широков ўртоқлар ҳозир 1982 йил ҳисобига меҳнат қилишяпти.

В. БАБАСКИН,
Самарқанд лифтсозлик заводи бош инженери.

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲИСОБИГА

Қўйлиқдаги кўпқиксимон темир-бетон конструкциялари заводининг меҳнат аҳли йўлсозлар буюртмаларини ado этишда доғ қозонган. Корхонада тайёрланаётган 60 хил номдаги турли-туман маҳсулотларни фақат республикамиздагина эмас, БАМ, Қозоғистон, Ноқоратўпроқ ўлка объектларида ҳам яхши билишади. Шу йил бошида эса завод буюртмачилари рўйхатида янги ном — Тюмень области пайдо бўлди.

Буюртмалар ҳажмининг тобора ошаётгани корхонада мавжуд резервлар ва ички имкониятлардан оқилона фойдаланишни тақозо этиши турган гап. Шунинг учун ҳам бу ерда бошланган мусобақанинг асосий йўналиши ана шу масалани ижобий ҳал этишга қаратилган. Биз мусобақанинг олдинги сафида бораётганлар ичида Бўрибой Сатторов етакчилик қилаётган бригада коллективини ҳам кўрамиз. Бу қолипловчилар бригадаси В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллигида ўнинчи беш йиллик топшириқларини ado этган эди. Ҳозир унинг меҳнат календарида — 1982 йилнинг иккинчи ярми. Коллектив ўтган ҳафтада нормадан ташқари 5 кубометр маҳсулот тайёрлади.

А. ВАЛУЙСКИЙ,
«Узоргтехдорстрой» трести инженери.

Абдуллаев идорага энди кирган ҳам эдики, телефон жиринглади. У трубкани олиши билан таниш овоз эшитилди.

— Ҳа, ўртоқ директор, «бузоқнинг ҳақи бор» деб сут ичмасдингиз, барибир план бажарилмабди-ку.

— Ўзингиз-чи, ўзингиз? — ҳазилга ҳазил билан жавоб қилди у ҳам. — Айни саратонда «ангина»ман деб юришингиз пиво билан мороженоедан экан-да...

Улар аввалига хандон отиб кулишди, кейин жиддий «гап»га ўтишди.

— Нима қилишаркин?

— Билмадим, ҳойнаҳой «мукофот»сиз чиқармас...

Урганч сут-ёғ ва пивоконсерва заводларининг директорлари Д. Абдуллаев билан М. Қодиров халқ назоратчиларининг бу галги «лутфан таклифи»дан чўчиб қолишган эди. Шундай бўлса-да, сир бермасликка интилиб, бир-бирини ҳазил-мутойиба билан овутиб туришибди.

Улар бир-бирини овутаверишсин-у, энди икки оғиз гапни биздан эшитинг: иккала корхонада ҳам умумий планлар бажарилиб келаётган бўлса-да, ассортимент бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш топшириқлари сўнгги пайтларда барбод бериляпти. Узоққа бормайлик. Ўтган йили ишлаб чиқариш маҳсулотларининг ўн тури бўйича план топшириқларини бажармаган сут-ёғ заводи бу йил ҳам ишда ўзгариш ясамади. Ўтган ойлар давомида 11 тонна оқланган ёғ, 35 тонна қатиқ, 29 тонна мороженое, 17 тонна творог, 3 тонна қаймоқ плондагидан кам тайёрланди. Бунга асосий сабаб, корхонада ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланилмади, технология жараёнларида бузилишларга йўл қўйилди, резервлар ишга солинмади, меҳнат интизоми паст бўлди. Меҳнат коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақани ташкил этишга етарли эътибор берилмади.

Корхона ишлаб чиқаришнинг деярли барча участкаларида санитария-гигиена талабларига риоя қилинмаётир. Қабул қилинаётган сут машиналарининг цистерналари айрим ҳолларда пломбасиз келаётганлиги ачинарли ҳол. Маҳсулот ўлчаб олувчи тарози давлат кўригидан қачон ўтганлиги номаълум. Пастеризация бўлимида ишлаб турган қозонлардаги термометрлар нормал ҳолатда эмас. Буғ трубаларидаги босимни кўрсатувчи манометрлар иши қониқарсиз. Идишларни ювиш аксарият қўлда бажарилмоқда. Корхона лабораторияси фаолиятида камчиликлар учраб турибди. Айрим механизмлар, ускуналар ва заврр майдончалар етишмайди. Ишлаб чиқариш корпуслари ремонтга мухтож. «ОСТ-3», «ОСТ-15», «ОСТ-10» каби қаймоқ ажратиш сепараторлари ишида нуқсонларга йўл қўйилмоқда.

Пиво-консерва заводида ҳам худди шу манзара: Бу ерда аввало, шуни айтиш керакки, «Ўзпивотрест» корхона лабораторияси айрим приборлар билан таъминланмаган. Чунончи, термостат, автоклав, микроскоп сингари энг оддий ва энг асосий приборларнинг янги турлари етишмайди. Цехларда шиша қопқоғини бекитувчи «У-6» автомат дастгоҳларининг иши талаб даражасида бўлмаётир. Шунингдек, сифатсиз ремонт қилинган компрессор ишида узилишлар бўлмоқда. Бу ларнинг ҳаммаси ишлаб чиқаришга таъсир этмасдан қолмаяпти, албатта. Корхона ўтган ойлар ичида давлат олдида 6,8 минг декалитр алькоголсиз ичимлик, 345 минг дона шартли банка консерва, 4,3 минг тонна мороженое қарз бўлиб қолди.

Ҳар иккала завод маҳсулотларининг сифати ГОСТ талабларига жавоб бермаяпти. Савдо шохобчалари ассортиментда кўрсатилган маҳсулотлар билан вақтида, керагича таъминланмаётир. Натижада, кейинги пайтларда корхоналарга билдирилаётган эътирозлар сони тобора ошиб бормоқда. Пиво-консерва заводи шу йилнинг ўзида савдо ташкилотларига 1797 дона шартли банка-консерва, 20 минг декалитр пиво, 9,6 минг декалитр алькоголсиз ичимлик ва 2,4 тонна мороженое белгиланганидан кам чиқарди.

Назоратчилар ташрифидан корхоналар директорларининг чўчиб қолиши боисини энди тушунгандирсиз. Афтидан, фақат умумий планлар кўрсатмачи билан чекланаётган республика Озиқ-овқат саноати министрлиги масаланинг бу томонидан хабардор эмасга ўхшайди. Қани эшитайлик-чи, министрлик нима деркин?

Н. САЪДУЛЛАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ

ИЖРОСИЗ ПЛАНЛАР

РЕСПУБЛИКА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ ДИҚҚАТИГА!

Қудратли Иттифоқимизнинг 60 йиллик юбилейи шарафига зарблор меҳнат вахтасига чиққан бошқармамиз коллективи катта муваффақият қўлга киритилмоқда. Ўн биринчи беш йиллиқнинг биринчи йили тўққиз ойлик топшириғи шараф билан ado этилди. Плондаги 966 минг сўмлик ўрнига 1 миллион 210 минг сўмлик иш бажарилди.

Қурувчилар план топшириқларининг аниқ ижроси билан бирга тежамкорлик режимига ҳам жиддий эътибор бермоқдалар. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 30 тонна нефть битуми, қариб 5 тонна дизель ёнилғиси ва бошқа кўп

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ЙЎЛСОЗЛАР АРМУҒОНИ

лаб материаллар иқтисод қилинди. Материаллар исрофгарчилиги, техниканинг бекор туриб қолиши, прогулчилик ва ишчилар қўнимсизлиги сингари ҳоллар олдинги йилларга нисбатан икки баравар қисқарди, меҳнат унумдорлиги ошди. К. Тўхтаев, Қ. Камолов, С. Тошев, Қ. Ўринов, Б. Жумаев, Р. Баҳромов сингари «Ўн бешлар ташаббуси»га қўшилиб, бир беш йилликда икки беш йиллик шахсий топшириқларини бажаришга аҳд қилган юкловчи, автогрейдерчи ва тракторчилар ҳозирга қадар салкам икки йиллик нормаларини бажариб қўйишди.

Бошқармамиз коллективи йил охиригача планга қўшимча 200 минг сўмлик бунёдкорлик ишларини бажаришга сўз берган. Бу, бизнинг шонли юбилейга дастлабки армуғонимиз бўлади.

Ҳ. АШУРОВ,
Бухоро область, Пешқу районидаги йўл қурилиши ва ремонт бошқармаси ишчиси.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

ЙИҒИМ-ТЕРИМДА УЮШҚОҚЛИК КЎРСАТАЙЛИК!

МЕҲНАТ САМАРАСИ

ҚҚАССР

Автоном республикамизнинг пахта тайёрлашда орқада қолаётгани ҳаммамизни жиддий ташвишга соляпти. Ҳозир бунга баҳона қидиришга ўрин йўқ. Бутун куч, техника воситалари, ёрдамчиларни сафарбар этиб, теримни кучайтирмоғимиз, суръатни соатлар сайин оширмоғимиз даркор. Автоном республика далаларида пахтадан мисли кўрилмаган ҳосил етиштирилди. Эндиги муҳим вазифа қолоқликдан чиқиб, илғорлар сафидан ўрин олишдан иборат. Бунга сўзсиз эришамиз. Илғорлар тажрибаси шундан далолат беряпти.

Совхозимизнинг Жумабой Ўрозов бошлиқ бригадаси пахтакорлари гектаридан 30 центнердан хирмон кўтариб, йиллик планни бажарди. Азамат пахтакорлар гектаридан яна 20 центнердан пахта териб олиш учун курашмоқдалар. Мадиёр Холмуродов бригадасида ҳам 24 центнердан хирмон кўтарилди. Қолган ҳосил чўғи 30 центнерлик маррани сўзсиз эгаллаш мумкинлигидан далолат беряпти. Жолгоз Ганибоев, Бозорбой Холмуродовлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг аъзолари ҳам юксак марраларни кўзлаб теримни кучайтиряптилар, тайёрлов пунктига кунига йиллик планнинг 10—12 проценти миқдорида пахта жўнатмоқдалар.

Ёзувчи Саипов бошлиқ бригада теримда анча орқада қолди. Бунинг сабабларини дарҳол ўргандик. Машиналар билан тележкалар қатновида узилишига йўл қўйилган. Бункери тўлган машина пахтани бўшата олмай бекор туриб қолган. Иккинчи ҳолатда механизатор суст ишлаб, бункерни вақтида тўлдирмаслиги орқасида тележкалар тўхтаб қолган. Масалани маъмурият ва партия комитети муҳокамасига қўйиб, оператив чоралар кўрдик. Эндиликда «зангори кема»лар иши билан транспорт воситалари қатновида қаттиқ тартиб ўрнатилди. Терилган пахта пешма-пеш давлат тайёрлов пунктига жўнатилмоқда.

Бригада йиллик планини бажариб, яна бир йиллик планга теңг пахта тайёрлаш учун курашяпти.

Бригадалар ва бўлимлараро мусобақа кучайтириляпти. Ҳар куни қанча пахта терилаётгани, сорт қандай бўлаётгани эълон қилиб бориляпти. Илғорларни меҳнатларига яраша рағбатлантиряпмиз. Булар яхши, албатта. Лекин меҳнат интизомини мустаҳкамлашимиз шарт.

Ёзувчи Саипов бошлиқ бригада теримда анча орқада қолди. Бунинг сабабларини дарҳол ўргандик. Машиналар билан тележкалар қатновида узилишига йўл қўйилган. Бункери тўлган машина пахтани бўшата олмай бекор туриб қолган. Иккинчи ҳолатда механизатор суст ишлаб, бункерни вақтида тўлдирмаслиги орқасида тележкалар тўхтаб қолган. Масалани маъмурият ва партия комитети муҳокамасига қўйиб, оператив чоралар кўрдик. Эндиликда «зангори кема»лар иши билан транспорт воситалари қатновида қаттиқ тартиб ўрнатилди. Терилган пахта пешма-пеш давлат тайёрлов пунктига жўнатилмоқда. **Бугун ҳар бир куниданҳар соатидан энг кўп самара билан фойдаланиш бош вазифадир. Ёғин-сочин кўшимча қийинчиликларни вужудга келтириб, ҳар қандай бегамлик ҳосилни ўғирлаб бўлмайдиган зарар етказиши, минг-минглаб кишиларнинг куч-ғайратларини йўққа чиқариши мумкин.**

Бу фикрларга тўла қўшиламиз. Борлик ҳосилни ёғин-сочинли кунлар бошлангунча тўла йиғиб-териб олишни бош вазифамиз деб биламиз. Шу мақсадда тўла сафарбарлик эълон қилдик. Ҳар куни давлат тайёрлов пунктига йиллик планнинг 3,5—4 процента миқдорида пахта жўнатилишини таъминлаяпмиз.

Бу йил дефолиация ўтказишда камчиликларга йўл қўйилгани рост. Энди бу ҳақда гапириб ўтиришга ҳожат йўқ. Гап ёки ваъда тарози босмайди. Чаноқлардаги дурдоналарни иложи борича тезроқ йиғиштириб олмоғимиз, бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўп пахта тайёрлаш учун нималар қилиш керак бўлса, ҳаммасини қилмоғимиз керак. Кейинги беш кунликнинг ҳар кунида пахта тайёрлашни ўртача 2 процент оширдик.

Янада улканроқ муваффақиятга эришмоқ учун ҳамма имкониятларга эгамиз. «Зангори кема»ларни тўла ишга солдик. Елесбой Тулепов, Сафарбой Иброҳимов, Нодирбой Қодирбоев каби илғор механизаторларимиз кунига бункерлардан 6—8 тонна пахта тўкяпти. Уларнинг тажрибаси ҳамманинг мулкига айлантириляпти.

Лекин барча имкониятлар бўла туриб, 3—4 тонналикмаррасидан ўза олмаётган механизаторлар ҳам йўқ эмас. Бунга сабаб шуки, улар ишни кеч бошлайди, эрта тамомлайди, масъулиятни тўла ҳис этмайди. Партия бюросида маслаҳатлашиб, ҳар бир отрядга коммунистларни бошлиқ қилиб қўйдик. Улардан графикларнинг ижросини талаб қиляпмиз. Ҳозир ҳеч кимга енгиллик бериладиган фурсат эмас. Теримчилар ҳам, механизаторлар ҳам графикларнинг ижроси учун тўла жавобгардирлар. Масала шундай қўйилгач, норма бажармайдиган теримчилар, механизаторлар деярли қолмади. Меҳнат унумдорлиги тобора кўтариляпти.

Бригадалар ва бўлимлараро мусобақа кучайтириляпти. Ҳар куни қанча пахта терилаётгани, сорт қандай бўлаётгани эълон қилиб бориляпти. Илғорларни меҳнатларига яраша рағбатлантиряпмиз. Булар яхши, албатта. Лекин меҳнат интизомини мустаҳкамлашимиз шарт.

Ёзувчи Саипов бошлиқ бригада теримда анча орқада қолди. Бунинг сабабларини дарҳол ўргандик. Машиналар билан тележкалар қатновида узилишига йўл қўйилган. Бункери тўлган машина пахтани бўшата олмай бекор туриб қолган. Иккинчи ҳолатда механизатор суст ишлаб, бункерни вақтида тўлдирмаслиги орқасида тележкалар тўхтаб қолган. Масалани маъмурият ва партия комитети муҳокамасига қўйиб, оператив чоралар кўрдик. Эндиликда «зангори кема»лар иши билан транспорт воситалари қатновида қаттиқ тартиб ўрнатилди. Терилган пахта пешма-пеш давлат тайёрлов пунктига жўнатилмоқда.

Бригада йиллик планини бажариб, яна бир йиллик планга теңг пахта тайёрлаш учун курашяпти.

Теримчиларга нисбатан талабчанликни кучайтирамиз. Пахта қийғос очилган бир кезда кунлик графикни бажармасликни қандай баҳолаш керак. Иссиқ ов қат, чой, мева, полиз маҳсулотлари бор. Медицина, савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шийпонларга кўчирилган. Кўп болалик оналар ҳақида ғамхўрлик кучайтириляпти.

Совхозимиз чўлқуварлари ўн биринчи беш йиллигининг биринчи даврасида — 1981 йилда ҳар гектар майдондан салкам 30 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга, она-Ватанга 3180 тонна ўрнига 3900 тонна пахта топширишга аҳд қилганлар. Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам бу маррага тез кунларда етамиз. Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига бошлиқ ҳосилни охирги граммларигача тўла йиғиштириб олиш билан жавоб берамиз.

Т. ОЛЛОМБЕРГАНОВ,
Хўжайли районидаги Ворошилов номли совхоз директори.



Жиззах

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ. Мирзачўл районидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг С. Ораз-нибетов бошлиқ бўлим пахтакорлари кунига 4—5 процент миқдорида пахта топшириб, пешқадамлик қилмоқдалар. Бу муваффақиятга «зангори кема»лар юксак унумларда ишлатилиши туфайли эришилаётир. Механизаторлар мусобақасида Парда Бадиев ва Чиноз Калдибековлар пешқадамлик қилишаётир. Улар мавсумда 200 тоннадан пахта терган мажбуриятини олишган. Суратда: П. Бадиев, Ч. Калдибеков ўртоқлар.

Ш. Иброҳимов фотолари.

АГИТБРИГАДА ДАЛА КЕЗАДИ

Қашқадарё

Қарши даштидаги «Октябрь 60 йиллиги» совхозининг Ленин ордени кавалери Янгибой Боймуродов бошлиқ бригадаси дала шийпони тўш пайти ўзгача манзара касб этди. Қувноқ музика садолари бараллa янгради. Чевар теримчиларнинг ҳам, механизаторларнинг ҳам чеҳраларида тулгун табассум. Бунинг боиси бор: бригада шийпонига Қарши район партия комитети ташкил этган агитбригада ташриф буюрганди.

Агитбригададаги медицина ва маиший хизмат кўрсатиш ходимлари дарҳол ўз бурчларини бажаришга киришдилар. Аптечкага янги дорк-дармонлар қўйилди. Аниқланган беморларга шошилинч ёрдам кўрсатилди. Маиший хизматчилар пахтакорлардан ҳар хил кийимкечак тикиб беришга буюртма қабул қила бошладилар. «Чўл чамани», «Марҳабо» ва «Чўлобод» ансамбларининг бадиий ҳаваскорларидан ташкил топган группа катта программа махсус концерт намойиш қилди.

Райкомнинг штатсиз лекторлари, сиёсий докладчилар СССРнинг 60 йиллик юбилейи, КПСС Марказий Комитетининг Чақириқлари, республика партия ва ҳукуматининг Мурожаати, халқаро ҳаёт тўғрисида қизиқарли суҳбатлар ўтказдилар.

Агитбригада коллективи райондаги «Ленинизм», «Москва», «Партия XXII съезди» совхозларида ҳам бўлиб, дала меҳнаткашлари билан илҳомбахш суҳбатлар ўтказишди, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатдилар. Штатсиз лектор ва сиёсий докладчилардан Адҳам Бузруков, Лутфулла Нарзуллаев, Шариф Амирқулов, Жўра Ботиров, Рустам Хидировларнинг қизиқарли суҳбатлари, медицина ходимларидан Ғани Абдуллаев, Робия Очилова, Шоди Хушвактов, Темир Рустамов, Мурод Хўжамбердиевларнинг тиббий ёрдамлари, бадиий ҳаваскорлардан Ҳаким Шарипов, Отабек Эгамбердиев, Анора Рўзиева, Манзура Иброҳимова, Назира Фармонова, Нортожи Ганневаларнинг дилрабо рақс ва қўшиқлари пахтакорларга манзур бўлмоқда, уларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

САФАРБАРЛИК

Сирдарё

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатини совхозимиз коллективи зўр кўтаринки руҳ билан кутиб олди. Унда баён этилган қимматли фикрларни чин юракдан маъқуллайди. Ҳақиқатда бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириш осонликча бўлмади. Табиат нечоғли ўжарлик қилмасин, халқимиз унга қарши шунчалар мардонавор курашлар олиб борди. Бугун шуни айта оламизки, колхозимизда, районимизда, қоларверса, областимизда юксак мажбуриятимизни қоплайдиган даражада юқори ҳосил етиштирдик. Унинг сўнгги граммларигача сира нобуд қилмасдан йиғиб-терib олиш, юқори сортлар билан давлатга топшириш. план ва мажбуриятларимизни бажаришни шарафли бурчимиз деб биламиз!

Совхозимиз бўйича давлатга 21 минг тонна «оқ олтин» топшириб, ўн биринчи беш йиллик юбилейи, КПСС Марказий Комитетининг Чақириқлари, республика партия ва ҳукуматининг Мурожаати, халқаро ҳаёт тўғрисида қизиқарли суҳбатлар ўтказдилар.

Агитбригада коллективи райондаги «Ленинизм», «Москва», «Партия XXII съезди» совхозларида ҳам бўлиб, дала меҳнаткашлари билан илҳомбахш суҳбатлар ўтказишди, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатдилар. Штатсиз лектор ва сиёсий докладчилардан Адҳам Бузруков, Лутфулла Нарзуллаев, Шариф Амирқулов, Жўра Ботиров, Рустам Хидировларнинг қизиқарли суҳбатлари, медицина ходимларидан Ғани Абдуллаев, Робия Очилова, Шоди Хушвактов, Темир Рустамов, Мурод Хўжамбердиевларнинг тиббий ёрдамлари, бадиий ҳаваскорлардан Ҳаким Шарипов, Отабек Эгамбердиев, Анора Рўзиева, Манзура Иброҳимова, Назира Фармонова, Нортожи Ганневаларнинг дилрабо рақс ва қўшиқлари пахтакорларга манзур бўлмоқда, уларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатини совхозимиз коллективи зўр кўтаринки руҳ билан кутиб олди. Унда баён этилган қимматли фикрларни чин юракдан маъқуллайди. Ҳақиқатда бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириш осонликча бўлмади. Табиат нечоғли ўжарлик қилмасин, халқимиз унга қарши шунчалар мардонавор курашлар олиб борди. Бугун шуни айта оламизки, колхозимизда, районимизда, қоларверса, областимизда юксак мажбуриятимизни қоплайдиган даражада юқори ҳосил етиштирдик. Унинг сўнгги граммларигача сира нобуд қилмасдан йиғиб-терib олиш, юқори сортлар билан давлатга топшириш. план ва мажбуриятларимизни бажаришни шарафли бурчимиз деб биламиз!

Совхозимиз бўйича давлатга 21 минг тонна «оқ олтин» топшириб, ўн биринчи беш йиллик плани бажардилар. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Хосият Бердиёрова бригадаси гектаридан 35 центнердан хирмон кўтариб маррага етди. СССР Давлат мукофоти лауреати Абдусамат Саидмуродов бригадаси фақат машинада гектаридан 35 центнердан ҳосил йиғиб олиб, ғалаба рапорти берди. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор Аширмат Эралиев бошлиқ бригада планини 100 процент адо этди. Жами 25 та бригада биринчи теримдаёқ планларини бажариб, ҳозир мажбуриятларини ҳисобига пахта топширяпти.

Қўлга киритилган ютуқ пахтакорларни янги ғалабаларга чорлаяпти. Илғор бўлимлар бўйича гектаридан яна 20—25 центнердан ҳосил олиш, бригадаларда 50—55 центнерлик маррага етиш шарафли бурчга айланди. Далаларимизда 168 та машина тўла қувват билан ишлатиляпти. Кунига бункерлардан 500—580 тонна пахта тўкиляпти. Машиналар шарофати билан Муваффар Сафаров, Йўлдошали Маллаевлар бошқарувчилик қилаётган бўлимлар, ўндан ортиқ бригада эртаиндин ғалаба рапорти беради. Демак, пахта бор. Уни тезкорлик билан йиғиб-териб олишимиз керак. Бу йил совхозимиз бўйича планини бажармаган бирорта бўлим ёки бригада бўлмайди. Мажбуриятни адо этиш эса муқаддас бурчга айланди.

Донгдор механик-ҳайдовчиларимиздан Абдусамат Саидмуродов, республикада хизмат кўрсатган механизатор Холиқ Худойбердиев, Қўчқор Жуманов, Баҳраклик Козим, Қаландар Абдураззоқов, Аҳмад Кенжаевлар шу кунгача 200—230 тоннадан пахта терди. Шу кунларда ҳам 5—6 тоннадан дурдона тўнишяпти. Ўтган йилларда машиналарнинг гилдираклари лойга ботиб юра олмай қолган кунлар кўп бўлган эди. Ўшанда ер музлаганда пайкалларга киритиб, пахта терганмиз. Шундай экан, ҳозирги озгина ёғингарчилик олдида саросимага тушмаслигимиз керак. Пахтани ёғин-сочинли кунларгача теріб олмаслик пахтакорлик номимизга доғ ташлайди. Механизаторларимиз карвон бошлиқ бурчини масъулиятли ҳисобига садоқат билан ўташлари лозим. Хўжаликларнинг раҳбарлари даладаги ишлаётганларга яхши шароит яратиб бериш кафолатини олганлар. Суръатни сусайтирмаслик учун нималар қилиш зарур бўлса, ҳаммасини муҳайё қиламиз!

Шу кунларда далаларимизда 3000 киши пахта терляпти. Шаҳарлик биродарларимиздан 2000 киши ёрдамга келди. Фидоқор кишилар ва машиналар билан кушнаиллик планнинг 9 процентидан миқдорида пахта терилишини таъминлаймиз. Яна 10—12 иш кунида план ва мажбуриятимизни бажарамиз. Она-Ватан совхозимизда 22000 тонна юқори сорт пахта қабул қилиб олади. Хўжалигимиз бўйича ҳосилдорликни камида 35 центнерга етказамиз. Партия ташкилоти оммавий-сиёсий, ташкилий ва идеология ишларини кучайтириш йўли билан меҳнат аҳлининг куч-ғайрати, техника воситаларини ана шу мақсад йўлига сафарбар этяпти.

Т. ШОИМОВ,
Сирдарё область, Боёвут районидаги «Боёвут» совхоз-техникумнинг директори.

Байроқдор хўжаликларда

СУРЪАТ

РЕПОРТАЖ

Наманган

Куз бошида тўйлари бўлиб ўтган келин-куёвнинг чилласи чиқмай туриб, куёш бетига тез-тез парда тортишга тушди. Бунақа пайтда кўкдаги шапалоқдек булут ҳам пахтакор дилига соя ташлайди. Йилнинг барча инжиқликларига сўз бермай, не-не машаққатлар билан етиштирилган «оқ олтин» пайкаллардан батамом йиғиштириб олинмаган экан, бевақт кўринган булут кимга ҳам ёқарди дейсиз?! Кўкнинг бу хил хира тортишидан айниқса косонсойликлар юрак олдириб қўйишган. Район пахтачилик тарихида обҳаво ҳеч қачон бу йилгидек нотинчлик қилмаган — сел, ёғингарчиликларни ҳисобга олмаганда ҳам экинзорларга ўн уч марта дўл чангал солди. Лекин инсон иродаси, машина қудрати, замонавий деҳқончилик илми устунлик қилди. Пахта очилиши бир оз кечиккан бўлса ҳам, юксак социалистик мажбуриятни қоплайдиган даражада, қирк минг тонналикхирмон уйиштга бемалол етарли ҳосил тўпланди.

Ёзқули Худойбердиев номли совхоз. Иккинчи бўлимга кирашли пахтазорда кўш «зангори кема» вагиллаб пахта термоқда. Агрегатни абжирлик билан бошқараётган механизатор машинасини буриб олиш учун эгат бошига чиққанида бир зумгина тўхтаб туришни сўрадик. У вақтни қизғандими, ҳар қалай соатига бир қараб олди-да, моторни ўчирди. Бу «йўлат ота чавандози Абдуғаффор Холбоев экан. Уни ишдан қолдирмаслик учун муддаога кўча қолдик.

— Хўш, терим қандай? Планлар-чи?

— Одам бунақа машинада ишлаб чарчамайди, — деди у ҳар бир сўзни мулоҳаза қилаётгандек салмоқланиб. — Ўйлаб топган аъзаматларнинг отасига раҳмат деб қўяман ҳар гал кунлик нормани мўлжалдагидан оширганимда. Исми жисмига монанд — «Ўзбекистон»! Тўрт қаторли чиннидек қилиб олиб кетаверади. Ҳаваста терасиз, бирадер, ҳаваста! 18 тоннагача етказган кунларим ҳам бўлди. Ўтган йили 450 тонна терган эдим — бу йил ҳам шундан кам бўлмас-ов!

Ўзр сўраб машинасига юзланди. Унинг «зангори кема»сия дефолиациядан кейин баргини тўкиб юзидан парда олинган келиндек бутун гўзаллигини кўз-кўз қилаётган пайкалларда жадал ишлаяпти кетди. Хўжаликда машина терими 2 октябрда бошланди. Ўтган тўртта «зангори кема»нинг ҳаммаси биринчи кунданоқ баракали ишламоқда. Механизаторлар агрегатлар билан жами ҳосилнинг 70 процентини териб олишга сўз беришган. «Бункер — тележка — пахта пункти» методи аниқ маромда ишлаяпти. Терилган пахта пунктга пешма-пеш етказиб берилмоқда. Механизаторлар, теримчи ва ҳошарчилар ўртасида социалистик мусобақа жуда яхши йўлга қўйилган. Беш ва ўн кунлик натижалари якунланиб, голиблар моддий ва маънавий рағбатлантирилиб борилмоқда. Механизаторларга шу мавсумдан бошлаб терилган ҳар тонна пахта учун ўн сўмдан тўланмоқда. М. Абдурўҳмов, М. Тўхтаназаров, К. Шарипов бошлиқ бригадалар биринчи теримдаёқ планни бажарганликлари, қўш Ленин орденли Пўлатхон Раҳматов етакчилик қилаётган бўлим кунлик суръатни 6 процентдан туширмаётганлиги ҳам аслида иш тўғри ташкил этилганлиги, қоларверса машиналар шарофатидандир.

— Ерга чигит тушиб, чаноқдаги «оқ олтин»ни қолига келгунча қилинган меҳнатни кўрсатиб берадиган бош мезон — пахта терими, шу боис партия ташкилоти, ишчилар комитети билан келишиб, йиғим-теримнинг қатъий графигини белгилаб олганмиз, — деди совхоз директори Турсунбой Мирзомедов. — Бу графикка қатъий амал қилинмоқда. Механизаторлар ҳосилни асосан ўзлари парвариш қилган участкаларден — пест-баландини беш қўлдай биладиган майдонлардан йиғиштириб олмоқдалар. Натижада меҳнат унуми ортиб, кунлик ўсиш суръати пасаймаяпти.

Совхоз «оқ олтин» ижодкорлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика ҳукуматининг Мурожаатига жавобан йиллик планни 20 октябрга қадар, зиммадаги мажбуриятни эса Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллигига бажаришга сўз бердилар. Хўжаликда ҳосилдорлик пландаги 32 ўрнига 40 центнерга етказилди. Ёстанга 6500 тонна «оқ олтин» армуғон этилади.

Айрим бўлимларда 10 октябрда иккинчи терим бошланди. Машиналар юриб ўтган пайкалларда, йўл ёқаларидаги эгатларда, «зангори кема»кра олмайдиган жойларда эса ҳошарчиларни учратиш мумкин. Ҳар бир кунни ғанимат билиб, ҳосилни мумкин қадар тез, нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, иккинчи ўн кунликда ҳам биринчисидаги суръатни сақлаб қолиш уларнинг эзгу мақсади бўлиб қолган. Шундан бўлиши шубҳасиз. Октябрнинг дастлабки декадаси якунига кўра Наманган область Косонсой районидаги Худойбердиев номли совхоз республика социалистик мусобақаси голиби сифатида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Райондаги бошқа хўжаликларда ҳам юксак хирмон учун кураш кун сайин кизимоқда.

Р. ҚОСИМОВ.
«Совет Ўзбекистони» маҳсус мухбири.

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

Тошкент

Бўка районидаги «Ленинизм» колхози пешқадам хўжаликлардан бири ҳисобланади. Бу йил ҳам хўжалик заршунослари даласида мўл ҳосил етиштирилди. Йиғим-терим ипатоволиклар методи асосида пахта ташкил этилганлиги туфайли пахта тайёрлаш плани муддатидан илгари адо этилди. Ҳосилнинг 90 проценти агрегатлар билан теріб олинди.

Колхозникнг Раҳмат Сулаймонов, Рашид Ҳожибеков, Турғун Азаматовлар бошлиқ бригадалари аъзолари муваффақиятга муносиб ҳисса қўшишди. Биринчи теримда 39—40 центнердан хирмон кўтерган азаматлар ҳосилдорликни 50-52 центнерга етказиш учун курашмоқдалар. 22 та «зангори кема» икки сменада ишлатилиб, ҳар бири билан кунига 8—9 тоннадан дурдона терилмоқда. Саидназар Абдурҳамонов, Жумабой Нурмуҳамедов, Ортиқбой Абдуқодиров каби моҳир механизаторлар ҳозиргача 180—190 тоннадан пахта теріб, колхоз хирмонига барака киритдилар. Улар мавсум охиригача яна 100—120 тоннадан пахта теришга аҳд қилишган.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан йиғим-терим суръатига янада қанот боғлашга аҳд қилган колхоз миришкорлари мавжуд 1150 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 42 центнердан ҳосил олиш, юксак социалистик мажбуриятни 20 октябрда шараф билан бажариш учун курашмоқдалар.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
А. КАРИМОВ.

ҚАРДОШЛАРИМИЗ ДАСТУРХОНИГА

Янгийўл районидаги «Янгийўл» совхозининг У. Тўракулов бошчилик қилаётган 2-участкаси меҳнаткашлари эл дастурхонига пландаги 356 тонна ўрнига 465 тонна мева, 437 тонна ўрнига 448 тонна узум етказиб бердилар. Бу ерда сабзавот тайёрлаш плани 240 процент қилиб бажарилди.

Шу кунларда участка далаларида иш қизғин. Мирзакор деҳконлар яна 60 тонна картошка ва 250 тонна лавлаги етказиб беришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

— Сибирь ва Узоқ Шарқдаги саноат шаҳарлари меҳнаткашлари дастурхонига 100 тонна узум ва 180 тонна мева жўнатдик, — дейди участка бошлиғи Ўринбой Тўракулов, — Бу бизнинг интернационал бурчимиздир, бу билан ҳеч кимдан фахрланамиз.

Т. ЮСУПОВ.

ШАРОИТ БИР ХИЛ, АММО...

Андижон

Андижон районида шароити бир хил, ёнма-ён жойлашган икки хўжалик бор: «Ленинград» колхози пахта тайёрлашда олдинда бормоқда. Кўшни «Партия XXII съезди» колхози эса графикни бажаролмай орқада судралиб қолмоқда. Бунинг боиси нимада? Кеча мухбиримиз иккала хўжаликда бўлиб, қуйидагиларни хабар килди:

«Ленинград» колхози 1470 гектар ерда пахта етиштирди. Мақсад: Андижон областининг катта хирмонига 5500 тонна «оқ олтин» тўкишдан иборат. Колхознинг 1070 гектар пахта майдони адир ерлар эканлиги ҳисобга олинадиган бўлса, бу жуда юкори кўрсаткич.

Колхозда йиғим-терим яхши ташкил этилган. Далада ишлаётганларга барча шарт-шароит яратилган. Савдо, медицина, маиший хизмат ходимлари пахтакорлар хизматида. Мусобақа ҳар 10 кунда якунланади. Ғолиб бригадаларга кўчма Қизил байрок, 150 ва 125 сўм миқдорида пул мукофоти берилади. Иш ҳақи ўз вақтида далама-дала юриб тарқатилади. Колхозчилар мамнун. 1700 теримчи аъло кайфият билан меҳнат қиляпти. 40 дан ортиқ қария, шаҳардан келган 365 студент: «Биз ҳам пахтакормиз», деб ҳиммат камарини боғлаган. Колхоз кунига 65 тоннадан ошириб пахта топширмоқда. Она-Ватан мавсум бошидан буён «Ленинград»ликлардан 3500 тоннадан знёд юкори сорт пахта қабул қилиб олди.

Колхоз уруғлик пахта тайёрлаш планини ортиғи билан бажарди. Илгор хўжалик бир марта район байроғини қўлга киритди. Республикада хизмат кўрсатган пахтакор Мамасоли Тошболтаев бошлиқ бригада теримда пешқадамлик қилаётир. Бу бригада 60 гектар адир ернинг ҳар гектаридан 37 центнердан ҳосил олиб, йиллик пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарди. Машҳур пахтакор Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳасанча Аҳмедов етакчилик қилаётган бригада ҳам мажбурият ҳисобига пахта топшира бошлади. Иккала бригада коллективи ҳам ҳосилдорликни гектар бошига 50 центнерга етказиш учун сўз берди. Маҳаммаджон Қўлдошев бригадаси эрта-индин ғалаба рапортига имзо чекади.

Илгор коллективлардан ўрнак олган бошқа бригадаларда ҳам иш яхши кетяпти.

Колхоз меҳнат аҳли пахта тайёрлаш планини 1 ноябргача бажариш учун астойдил курашяпти.

Лекин қўшни, «Партия XXII съезди» колхозида иш бутунлай бошқача олиб борилмоқда. Бу ерда 1630 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олиш, давлатга 5500 тонна пахта етказиб бериш, шундан 1500 тоннасини уруғлик учун топшириш, 1350 тоннасини бункерлардан тўкишга ахду паймон қилинган. Хўш, бу юксак мажбуриятни қандай бажарилмоқда?

Колхозда йиғим-терим суръати асоссиз равишда сусайиб кетяпти. Терим графиги мунтазам бажарилмаяпти. Масалан, график бўйича сентябрь ойида йиллик планнинг 55 процента миқдорида пахта тайёрланиши керак эди. Амалда эса мўлжалдагидан 14 процент кам пахта тайёрланди. Октябрнинг биринчи беш кунлигида графикдаги 455 тонне ўрнига 336 тонна пахта топширилди.

Райкомнинг бюро мажлисида колхоз шаънига қаттиқ танқидий гаплар айтилди. Колхоз бўйича кунлик йиллик планнинг 1-1,7 процента миқдорида ёки 85 тоннадан ошириб пахта тайёрлаш қатъий вазифа қилиб қўйилди. Колхоз раиси Исмоил Неъматов теримда кескин ўзгариш ясаш ҳақида чиройли ваъдалар берди-ю, ҳақиқатда ўз сўзининг устидан чиқолмади. Терим нормаларининг бажарилиши юзасидан етарли талабчанлик қила олмади. Оқибатда октябрнинг иккинчи беш кунлиги графиги ҳам барбод бўлди. Колхоз пахта тайёрлашда Андижон области хўжаликлари ўртасида 47-ўринга тушиб қолди. Ўтган йилга таққослайдиган бўлсак, 9 процент орқада.

Судралишнинг боиси шуки, колхозда «хосилни аввалеб теріш», — ерга тўкилган чаноқда қолган пахтани теріб олиш баҳонаси билан ишда унум бўлмаётир. Бундай пахта эса жуда кўп. Аввалги теримлар сифатсиз ўтказилганлиги оқибати бу. Колхозда бўлганимизда теримда 1042 киши қатнашиб, 40 тонна пахта терди. Бу, белгиланганидан 45 тонна кам. Аксарият теримчилар «норма»ни бажармаяпти.

Биз колхоз раҳбарлари илгор деб мақтаган Сотволди Мақсудов бошлиқ бригада даласида бўлдик. Бригадирнинг айтишича, ҳар бир теримчи ўртача 30 килограммдан пахта термоқда. Кунлик график бажарилмаётир.

Кўрдик турибдики, бригадада меҳнат интизоми бўшаштириб юборилган. Теримчилар ўртасида мусобақа йўқ.

Дала меҳнатчиларининг юкори унум билан ишлаши маданий-маиший шароитга боғлиқ. Бригаданинг дала шийпонидаги аҳволни кўриб ҳайрон қолдик. 2 та хонага қулф солинган, 2 та хона бўм-бўш. Колхозчилар ўтирадиган жой ҳам бир аҳволда. Радио, телевизор, кундалик газета-журнал ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Деворга Андижон область кўнгилли ўт ўчириш жамияти чиқарган варақа илиб қўйилган. Бошқа ҳеч вақо йўқ.

Колхозда энг охирги ўринда бораётган Тўланбой Нормаетов бошлиқ бригадада ҳам аҳвол яхши эмас. Пахта ториш ва тайёрлаш суръати кунданкунга пасайиб бормоқда. Бригада дала шийпонида 2 та терим машинаси 3 кундан бери бекор турибдики, буни сира ҳам кечириб бўлмайди.

Колхозда машиналарнинг бунёдкорлик ролига етарли эътибор берилмаётир, механик-ҳайдовчиларнинг мусобақасини ташкил этишда расмиятчиликка йўл қўйилмоқда Колхозлаги 8 та терим агрегатидан 4 таси ишлатилмоқда, холос Уларнинг иш унуми кўнгилдагидек эмас.

А. КУРОНБОЕВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН—ДЎСТЛИК КЎЗГУСИДА

БУГУН ВЬЕТНАМДА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИСОЛИДА СОВЕТ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ БОШЛАНАДИ

Мухбиримиз чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти президиумининг раиси И. Тўхтахўжаева билан учрашиб, ундан маданият кунларида қатнашадиган делегация ва кунларнинг программаси ҳақида қисқача гапириб беришни илтимос қилди.

— Аввало бир нарсани алоҳида мамнуният билан таъкидлаш керак, — деди И. Тўхтахўжаева. — Гап шундаки, жонажон Ўзбекистонимизнинг маданият соҳасида эришган ажойиб ютуқлари дўст мамлакат — Вьетнам Социалистик Республикасида биринчи марта кенг кўламда намойиш этилмоқда.

Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министри С. Пўлатов бошчилик қилаётган делегация составида республикамизнинг таниқли олимлари, санъаткорлар ва маданият арбоблари бор. М. Қориақубов номидаги Ўзбекистон давлат филармониясининг «Шодлик» вокал-хореографик ансамбли, шунингдек, жозибали рақслари билан республикамиздагина эмас, балки мамлакатимизда ҳам танилган Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Дилафрўз Жабборова ҳам маданият кунларида қатнашади. «Шодликчилар бу масъулиятли ижодий сафарга тайёрланиш жараёнида репертуарларига Вьетнам халқ куйлари ва рақсларидан киритишди.

Маданият кунлари программаси ранг-баранг. Масалан, Ўзбекистон тасвирий санъатининг энг яхши намуналари кўргазмасида Урол Тансиқбоев, Абдулҳақ Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Чингиз Аҳмаров, Неъмат Қўзибоев сингари моҳир мўйқалам усталарининг машҳур портретлари, тематик картиналари, пейзажлари ва натюрмортлари намойиш этилади. Бу кўргазмага республикамиз халқ амалий санъатининг сўнгги йилларда яратилган оригинал намуналари, плакатчиларимизнинг ижтимоий-сиёсий темани ғоятда оригинал улуғлаган асарлари, болалар расмлари ҳам қўйилади.

«Совет Ўзбекистони» деб аталган катта фотокўргазма республикамизнинг бугунги кундаги равнақи, халқ хўжалигининг барча соҳаларида эришаётган бетакрор ютуқлари, замондошларимизнинг фаровон турмуши, совет халқларининг интернационал дўстлиги, ўлкамизнинг оригинал табиати, машҳур шаҳар ва қишлоқларнинг жамоли ҳақида ҳикоя қилади. Яна бир кўргазма ўзбек ва Вьетнам ёзувчиларининг Тошкентда нашр этилган китобларидан ташкил топган.

Маълумки, ҳар қандай маданият кўриги кинофильмлар иштирокисиз ўтмайди. Жумладан, бу Кунлар программасида ҳам Ўзбекистон киностудияларида суратга олинган қатор картиналар бор. Масалан, «Инқилоб чавандозлари» каби бадиий, «Ўзбекистон-81», «Паранжи» сингари ҳужжатли фильмлар Вьетнам кинотеатрларида биринчи бор намойиш этилади.

Делегациямиз аъзолари дўст мамлакатда бўлганларида жуда кўп учрашувларда иштирок этиб, Ўзбекистоннинг бугуни ҳақида сўзлаб берадилар, ўз санъатларини намойиш қиладилар. Айни вақтда Вьетнамнинг маданият соҳасидаги ютуқлари ва тажрибалари билан яқиндан танишадилар.

Ишончимиз комилки, Ўзбекистон ССР мисолида ўтадиган совет маданияти кунлари икки дўст мамлакат алоқалари ва интернационал қардошлигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшади.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ОБЪЕКТИВДА — КАМПУЧИЯ

Қонхўр Пол Пот ва Иенг Сари режимини ағдариб ташлаган Кампучия халқи тинч қурилиш йўлидан дадил бормоқда. Мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар айниқса Пномпень шаҳри мисолида яққол намоён бўлмоқда.

СУРАТДА: Пномпень марказида.

ВИА—ТАСС фотоси.

Г.-О. ФЕТТЕРНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ГФР немис касаба союзлари бирлашмасининг раиси Г.-О. Феттер Гамбургда бўлиб ўтган матбуот конференциясида СССРга қилган сафарининг якунлари тўғрисида гапириб берди. «КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ҳузуридаги суҳбат, деб таъкидлади у, алоҳида аҳамиятга молликдир. Учрашув самимий, дўстона вазиятда ўтди. Тинчликни таъминлаш масалаларига жуда катта эътибор берилди».

Г.-О. Феттер Москвада бўлиб ўтган суҳбат давомида, шунингдек ГФР билан Совет Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантириш истиқболлари ҳам муҳокама қилинди, деб айтди. ГФР немис касаба союзлари бирлашмаси, деди у, савдо-иқтисодий соҳада иккала давлат ўртасида тузилган шартномалар ва битимларнинг изчил амалга оширилишини қатъий қўллаб-қувватлаймоқда. Совет буюртмалари, деб илова қилди у, Ғарбий Германия меҳнаткашларидан қариб беш юз минг кишини иш билан таъминлаб турибди. Бирлашма раиси Ғарбдаги муайян доираларнинг СССР билан фойдали савдо-иқтисодий муносабатларни узиқ мақсадида ГФРга тазйиқ ўтказишга уринаётганликларини қоралади. «Иш билан таъминланиш тўғрисида гап борганида биз ўзимизга тазйиқ ўтказилишига йўл бермаймиз», деди у.

(ТАСС).

ПОЛЬШАДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

Варшавада ПБИП Варшава воеводлик комитетининг пленуми ўз ишини бошлади. ПБИП воеводлик комитети бюросининг докладида мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазиятга баҳо берилган ва ПБИП Марказий Комитетининг бўлажак Пленуми арафасида ҳозирги вазиятдан келиб чиқадиган вазифалар белгиланган.

ПБИП Варшава воеводлик комитетининг докладида социализмни ҳимоя қилиш йўлида қатъий чоралар кўриш талаб этилади. Ҳозирги вазиятда партиянинг ҳар бир аъзоси қандай лавозимда бўлишидан қатъи назар, ўз мавқеини аниқ белгилаб олиши керак, деб уқтириб ўтилади докладда.

(ТАСС).

ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ ҚОРАЛАМОҚДАЛАР

Жаҳон халқлари АҚШнинг Ливия, Миср ва бошқа араб мамлакатларига нисбатан дўк-пўписа сиёсатини кескин қораламоқдалар. Жаҳон жамоатчилиги СССР ҳукуматининг АҚШ ҳукуматига юборган баёнотини суверен давлатларнинг ички ишларига аралашувга йўл қўйиб бўлмаслик тўғрисида ўз вақтида билдирилган огоҳлантириш, деб баҳоламоқда.

● АММОН

Совет ҳукуматининг баёноти Вашингтоннинг Миср ва ҳийла-найрангларига, АҚШнинг Яқин Шарқда кескинликни кучайтиришга олиб борувчи хатти-ҳаракатларига ўз вақтида билдирилган қатъий фикрдир, деб ёзади Иордания газетаси. «Ад-Дустур» газетаси. АҚШ «Садат ишидан ўзига сабоқ чиқариб, ўзининг Яқин Шарқда кескинликни қайта кўриб чиқиш ўрнига, деб уқтиради газета, у Миснинг янги ҳукуматига тазйиқ ўтказишга шошилиб, унинг Садат ўтказиб келган йўлга содиқ бўлиб қолишига эришишга интилмоқда. Айни вақтда Қўшма Штатлар Садатнинг ўлдирилишидан ўзининг Араб Шарқидаги ҳарбий иштирокини кенгайтириш мақсадида фойдаланмоқда, деб хулоса қилади «Ад-Дустур» газетаси.

● БАЙРУТ

Ливанда чиқадиган «Ас-Сафир» газетаси Форс кўрфазидаги бир қанча мамлакатлар иштирокида биргаликдаги Америка — Миср ҳарбий машқларини ўтказиш тўғрисида Қўшма Штатлар тиқиштирган битим регионда стабиллик ва хавфсизликка таҳдид солувчи хатарли омил деб атамоқда. Қучларни шу йўсинда намойиш қилишдан мақсад, деб таъкидлайди газета, Қўшма Штатлар Америка қитъасида жойлашган «В-52» бомбардимончи самолётлар каби воситалар ердамида ҳар қандай араб мамлакатига қарши ҳужум қилиши мумкин деб огоҳлантиришдан иборатдир.

● НЬЮ-ЙОРК

Расмий Вашингтон ўзининг Яқин Шарқ хусусидаги сиёсати ғоят хатарли тусга эга эканлигини ва бу ерда Американинг ҳарбий иштирокини ҳар тарафлама кучайтиришга қаратилганлигини яна бир бор тасдиқлади, деди Яман Халқ Демократик Республикасининг БМТ ҳузуридаги вакили А. Ал-Аштал. «Тез ҳаракат кучларининг оширилган жанговар тайёргарлик ҳолатига келтирилиши, Миср сохиларида Американинг «Нимиц» авианосецининг бўлиши, АҚШ рақбарларининг кескин баёнотлари — буларнинг ҳаммаси араб давлатларининг вакиллари бўлган бизларни жиддий ташвишга солмай қўймайди.

Араб халқлари Мисрни қандай бўлмасин ўзи билан ҳисоблашишга мажбур этишга интилаётган Вашингтоннинг ҳатти-ҳаракатларидан дарғазаб бўлмоқдалар, деди Фаластин Озодлик ташкилотининг БМТ ҳузуридаги доимий вакили З. Л. Терази. Р. Рейган маъмурияти Кэмп-Дэвид жараёнининг қандай бўлмасин амал қилишига уриниб, жонжаҳди билан ҳаракат қилмоқда. Бироқ Миср халқи сингари араб мамлакатлари ҳам таслимчилик битимларини рад этмоқдалар. Вашингтоннинг Ливияга нисбатан ошкора игвогарлик йўлини ўтказаётганлиги бизни ғайриқса ташвишлантирмоқда, деди З. Л. Терази. АҚШ Яқин Шарқдаги вазиятни атайлаб кескинлаштираяпти деган таассурот туғилмоқда.

Фаластин Озодлик ташкилотининг БМТ ҳузуридаги доимий вакили регионда вужудга келаётган вазиятга Совет ҳукуматининг баёнотида берилган баҳони тўла маъқуллади. СССРнинг Яқин Шарқ проблемасини ҳар томонлама бартараф этишга қаратилган принципиал йўли АҚШ сиёсатига бутунлай зид бўлиб, араб халкларининг дўсти ким ва душмани ким эканлигини очиқ-ойдин кўрсатиб беради, деди у.

(ТАСС).

МИСР:

РЕФЕРЕНДУМ НАТИЖАЛАРИ

Қоҳирада Мисрда бўлиб ўтган референдум натижалари эълон қилинди. Референдум вице-президент Х. Муборак номзодини мамлакат президенти лавозимига тасдиқлаш мақсадида уюштирилганди.

Расмий маълумотларга кўра, референдумда қатнашганларнинг 98,5 проценти унинг учун овоз берган. Шундай қилиб, Х. Муборак МАРнинг янги президенти бўлди. Маҳаллий журналистлар доирасида бир неча бор таъкидланганидек, кейинги йилларда Мисрда ўтказилган референдумларнинг ҳаммаси расмий тусда бўлиб, уларнинг натижалари олдиндан белгилаб қўйилган.

Х. Муборак билан Исроил бош министри Бегин ўртасида учрашув ўтказилиши хусусида келишиб олинганлиги эълон қилинди.

(ТАСС).

АХБОРОТ

«ЁШЛИК» ЖУРНАЛИ

Ўзбекистон ССР Ёзувчилари союзининг органи — янги адабий бадиий ва ижтимоий сиёсий журнал «Ёшлик» деб аталди. У келгуси йил январдан бошлаб ҳар ойда бир марта ўзбек тилида чиқиб туради. Ёшларнинг бу расмли журнали ўқувчиларни республикадаги бошловчи адибларнинг, Совет Иттифоқи ва чет эллардаги авторларнинг асарлари билан таништириб боради.

Ўзбекистонда «Ёшлик» номи ҳозиргача ҳар кварталда чиқиб турган альманахдан яхши маълум. Ана шу альманах энди ойлик журналга айлантирилди. Янги нашр — партия ва ҳукумат ёш авлодни ғоявий-сиёсий тарбиялаш тўғрисида, республика ёш бадиий зиёлиларини ижодий ижтимоий фаолиятдан янада ўстириш ҳақида қилаётган доимий ғамхўрлигининг яна бир далилидир.

(ЎзТАГ).

АГИТПОЕЗД ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Балиқчи районида пахтакорлари съездлар йилида она-Ватанга 62 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун курашмоқдалар.

Район партия комитети, комсомол комитети, район маданий, соғлиқни сақлаш бўлимлари, маиший хизмат ва газлаштириш идораси ходимларидан иборат «Оқ олтин-81» агитпоезди коллективи график асосида пахтакорлар ҳузурида бўлиб, турли темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказмоқда, концертлар қўйиб бермоқда.

Агитпоезд «Коммунист», «Социализм», «Правда», «Победа» колхозларида бўлди. «Билим» жамияти район ташкилотининг аъзоси Ш. Норқўзиевнинг ўқиган лекциялари, ҳаваскор санъаткорлардан Одилжон Юсупов, Набижон Сойназеров, Анорхон Хусановалар ижро этган қўшиқ ҳамда рақслар пахтакорларга манзур бўляпти.

А. ВАҲОБОВ,
Андижон области.

РАССОМ ХОТИРАСИ

Республика рассомлар союзида Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби П. П. Беньков туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Унда санъатшунос М. Соколова машҳур рассом П. Беньковнинг ижоди ҳақида доклад қилди. Шунингдек, юбилярнинг шогирдлари — Ўзбекистон ССР халқ рассомлари А. Абдуллаев, Л. Абдуллаев, Ч. Ахмаров, рассомлардан Э. Алиев, В. Фадеев ўртоқлар ҳам устоз рассом ҳақидаги қизиқарли хотираларини гапириб беришди.

Кеча қатнашчилари П. Беньковнинг республика кўргазма залида намойиш этилаётган асарларини мароқ билан томоша қилдилар.

НАЪМАТАК ТЕРИЛМОҚДА

Тошкент ва Самарқанд областларининг тоғли ўрмон хўжаликларида наъматак қўлаб тайёрлана бошланди. Тоғёнбағирларида шифобахш наъматакдан мўл ҳосил етилган. Ўзбекистон ўрмон ходимлари шу куз фаслида планда кўзда тутилганидан кўпроқ, яъни 70 тонна наъматак йиғиб-териб олишни мўлжалламоқдалар.

СОХТА САВЛАТ

Самвел Ванесян, Ёши йигирма еттида. Бўйдоқ. Маълумоти ўрта. Иш жойи — пахтачилик машиналари бўйича давлат ихтисослашган конструкторлик бюроси. Жамоат ишларида фаол қатнашади: Ҳамза район комсомол комитети оператив отряди штабининг бошлиги.

Таржимаи ҳолдан олинган ушбу бир жуфт жумлани ўқиган киши кўзи олдида оддий, содда бир йигит гавдаланиши аниқ. Бироқ Самвел Гургенович амалда бунақа содда одамлардан эмас. Ёш бўлса ҳам ўзига бино қўйган, унақа-бунақа одамга қўл учини бериб, хода ютгандай гердайиб гаплашади. Ҳар бир сўзини пулга чақишга кўникиб қолган. Айниқса, қилдан қийиқ топганида минг-икки минг сўм оғзининг бир чеккасидан бемалол чиқиб кетаверади. Бўш келганга дўқ-пўписасини сира аямайди:

— Мингдан ками бўлмайди, хўп демасанг, ишингни ноғора қиламан.

Ёки:

— Кимнинг олдига хашак ташламоқчисан? Мен кимман, биласанми, худди писта чаққандай чақиб ташлайман-а...

Ҳоказо ва ҳоказолар...

Унинг дўриллаган овози Тошкентнинг гоҳ у, гоҳ бу чеккасида эшитилиб қоларди. Кунларнинг бирида Янгийўл районидаги «Қовунчи» ишчи кооперациясининг 14-магазинига кирди. Сотувчи Аҳмадали Узоқовга икки шиша ароқ ва бир шиша «Шампанское» виносини ўрашни буюрди-да, битта шалдирама йигирма бешталикни олдига ташлади. Қайтими ўн сўм бўлди. Ана шундан кейин Ванесян одатдаги қилиғини бошлади:

— Текшириш учун харид қилинди, — деди-да хизмат гувоҳномасини кўрсатди. — Қайтимни кам бердинг, акт тузаман.

Айби борнинг оёғи қалтирайди. Ванесянинг сиёсатидан Аҳмадали Узоқовнинг лабига учуқ тошди:

— Кечиринг, билмай қолибман.

— Кечиринг? Тушингни сувга айт, билмай қолганмиш... Қани қатталарингг, чақир, ўша билан гаплашаман.

Магазин мудири Миркомил Холиқов уйида дам олаётган экан. Етган жойидан уйготиб олиб келишди. Ванесянинг важоятини кўриб, унинг ҳам бўладигани бўлди. Ишлар хуржун, нима қилиб бўлса ҳам «тафтишчи»нинг қўлтиғини мойлаш керак. Мудир оёғи куйган товуқдай питирлаб, Ванесяннинг гоҳ у томонига, гоҳ бу томонига ўтди. Алҳол уни ташқарига олиб чиқишга муваффак бўлди.

— Бир гал кечиринг, жон ака, нима десангиз ҳам розимиз. Фақат акт ёзманг. Тағин хатга тушдинг — ўтга тушдинг, бўлиб ўтирмасин, — деб ялинди.

— Майли, сен учун сотувчингнинг гуноҳидан ўтдим, — Ванесян юмшагандай бўлди. — Фақат бир минг берасан, вассалом.

Минг сўмнинг дарагини эшитиб, сотувчи Аҳмадали Узоқов ёт товуқдай ҳурпайиб олди.

— Бунча пулим йўқ, — деди у мудир билан хуфя маслаҳатда. — Беш юз сўм топиб беришим мумкин, аммо минг сўмни...

— Унақа дема, ука, бош ёрилса дўппи остида. Пул топилади, бўлмаса жувонмарг бўлиб кетасан-а!

— Бошқа топиб беролмайман, — сотувчи яна оёқ тиради.

Холиқов тағин ташқарига, Ванесяннинг ёнига йўрғалади. Ҳозирги ёшларнинг бевош бўлиб кетаётганидан, катталарнинг айтганига юрмай қўйганидан шикоят қилиб, гап орасида «500 сўмдан ортиқ пули йўқлиги»ни қистириб ўтди. Ванесян кўрдики, зўрлаган билан иш чиқмайди, «бўпти, бу галча кечирдим» дейишга мажбур бўлди. Узоқов беш юз сўм билан бошига келган балони даф қилганидан. Холиқов «тафтишчи»нинг кўзи кўр, қулоғи гаранг бўлиб, ёнғиқлиқ қозон ёпиғлигича қолганидан, Ванесян эса ўн минутлик «меҳнати» эвазига чўнтаги пулга тўлганидан боши осмонга етди.

Фельетон

Оддий ёз кунларининг бири. Сергели бозори ариннг уясидай ғувиллаган пайт. Ўгна ташласанг ерга тушмайди. Одамларни оралаб юрган Самвел Ванесяннинг кўзи бирдан ярқ этиб кетди: шундоққина ёнида кармони арабанинг гупчагидай катта, чангалида бир даста пул ушлаган, кўринишидан студент йигит турарди.

— Ҳа, чайқовчи, охири қўлга тушдинг-ку. Қани, бу-ёққа юр-чи. — Ванесян студент йигитнинг пул ушлаган қўлидан маҳкам тутиб судради. Унинг важоҳатини кўриб, бечора студент довдираб қолди.

— Нима айб қилдим, нега мени судраяпсиз?

— Айбинг қанақалигини ҳозир кўрсатиб қўяман сенга. — Валесян уни бозор директорининг хонасига итариб киргизди. — Бозорнинг энг катта чайқовчиси-сан, гиламфурушлик қиласан!

— Ёлғон, мен гилам олмоқчи эдим, бозорга акам икковимиз шунинг учун келганмиз. Ана унинг ўзи, ишонмасангиз ундан ҳам сўранг.

— И-е, ҳали шеригим ҳам бор дегин, — Самвел Ванесян қувониб кетганидан қўлларини бир-бирига ишқаб деди. — Шериклик иш қиларкансан-да? Гуноҳинг яна оғирлашишини биласанми? Сен ҳам, аканг ҳам етти йилга ҳукм қилинасилар-а, — шундай деб у бир даста қоғозни олдига сурди. — Энди протокол ёзиб, ишингни органга ошираман.

Владимир Крюковнинг (студентнинг исми ва фамилияси шундай эди) назарида худди ҳозир қамалиб кетаётгандай, фақат ўзигина эмас, акаси Олег Крюков ҳам панжара орқасида қермулиб ўтиргандай туюлди. Жон ҳолатда Ванесяннинг қўлига ёпишиб олди:

— Илтимос, ёзманг ўша протоколингизни, буёғига суришиб кетармиз.

— Мана бу бошқа гап. Қанча пулинг бор? Ҳаммасини буёққа чиқар. — Ванесяннинг сабри чидамай Крюковнинг чўнтагини ўзи ковлаштира кетди: — Бир ярим минг сўм пулинг бор экан. Майли, сен ҳам қуруқ қолма, мана бу икки юз сўми сенга, қолган бир минг уч юз сўми эса хизматим эвазига менга. Қани, буни ўз қўлинг билан анови портфелга солиб қўй-чи... Ҳа, балли, энди бу ердан жуфтагингни ростла, — у шундай деяркан, бармоғини яниб кўйди. — Аммо, лекин, бу ҳақда ҳеч кимга лом-мим демайсан. Агар оғзингдан гуллаб қўйгудек бўлсанг...

Самвел Ванесяннинг босар-тусарини билмай, бурни танқайиб, ўзи қаққайиб юриши сабабини энди тушунгандирсиз. Бировлар билан гаплашганда кекайиш, гишинг оқини кўрсатмай ўрни келса, гоҳ жиддий, гоҳ юзкўзидан эҳтор томизиб туриш унинг «хизмат вазифасини» бажариш пайтида баъзи одамларда ишонч туғдирадиган, баъзи одамларнинг эса юрагига ғулғула соладиган анчайин бир восита, оддий бир ниқоб эди, холос. Шу ниқоби унга бир пайтнинг ўзида АТ серияли 8004398 номерли ва ПТ-1 серияли 0271930 номерли иккита меҳнат дафтарчасига эга бўлиш, Ҳамза район ҳарбий комиссариати ходимлари кўзини бўяб, «СССР Қуролли Кучларининг 50 йиллиги», «СССР Қуролли Кучларининг 60 йиллиги» медаллари ва медалларга гувоҳномани, шунингдек, қаердадир, кимларнингдир олдига хашак ташлаб, «1977 йил социалистик мусобақаси ғолиби» гувоҳномасини расмийлаштириб олишига ёрдам берди.

Ана энди гоз юришу, салмоқлаб гапиришга кўракка тақилган медаллар ҳам кўшилиб, унинг савлатидан от ҳуркадиган бўлди. Илгари баъзи одамлар Ванесяннинг қуруқ дўқига учмай «боре, тошингни тер» деган бўлишса, энди унинг гапини иккита қилишга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмайди. Ҳатто баъзи лақма масъул ходимлар ҳам унинг ногорасига ўйнаб, илтимосини зудлик билан бажо келтириб беришди. Ванесян эса уларнинг ана шу лақмалигидан фойдаланиб, шахсий ҳужжатларига ўзгартишлар киритиб, тасдиқлатиб олди. Ундан қаллоблигини амалга ошириш учун фойдаланди, оператив комсомол штаби бошлиги вазифасига тайинланишига эришди.

Қилмиш-қидирмиш деган гап бор. Текин томоқ тешиб чиққанидек, текин пулга тузоқ қўйиб, чакки йўлга қадам босган одамнинг тақдири нима билан тугаши маълум. Кўпдан бери фирибгарлик билан кишиларни алдаб, бебилиска пул топиб юрган Самвел Ванесяннинг ҳам қисмати ана шундай бўлди. Навбатдаги фирибгарлик пайтида найранглари фош бўлди. Унинг қилмишига яраша тегишли жазосини тортиши турган гап. Аммо сири очилиб қолишидан чўчиб, ҳатто Ванесян сингари фирибгарлар тарозисига тош қўйиб юрган Аҳмадали Узоқов, Миркомил Ҳоликов сингари шахслар ҳам жазодан четда қолмасликлари керак. Токи уларнинг қисмати виждонини нафс йўлига қурбон қилган бошқа кишиларга ҳам сабоқ бўлсин.

Мэлс МАННОВ,
Рафиқ ТУРСУНОВ.

СПОРТ

«КАНАДАЛИКЛАР КУБОГИ» — СОВЕТ ХОККЕЙЧИЛАРИДА

Ўтган чоршанба куни хоккей бўйича СССР чемпионатининг энг асосий учрашуви бўлиб ўтди. Бунда икки пешқадам команда — Москва спартакчилари билан ЦСКА хоккейчилари ўзаро беллашдилар. Ўйин бошланиши олдидан Канаданинг СССРдаги элчиси Д. Пирсон билан СССР хоккей федерациясининг раиси Н. Корольков совет терма командасининг капитани Валерий Васильева, ЦСКА дарвозабони Владислав Третьяякка, «Канада кубоги» мусобақаларида энг яхши ўйинчи деб топилган «Спартак» командасининг капитани Сергей Капустинга «Канадаликлар кубогини топширдилар. Бу «Канада кубоги»нинг нуҳсаси бўлиб, у канадалик хоккей ишқибозлари тўплаган маблағ ҳисобига ясалган эди. Энди бу кубок Москвадаги спорт музейида сақланадиган бўлди.

ЦСКА — «Спартак» учрашувида армиячиларнинг қўли баланд келиб, 6:2 ҳисобида ғалабага эришдилар. Ҳозир улар ҳисобида етти ўйиндан сўнг 14 очко бўлиб, ягона пешқадам бўлиб олдилар.

ДАЪВОГАРНИНГ ЮТУҒИ

Шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун беллашаётган Майя Чибурданидзе билан Нана Александрия матчида ўн биринчи партия ниҳоясига етди. Бу учрашувда Нана Александрия туғилган кунига зўр совға тайёрлади. Жаҳон чемпиони М. Чибурданидзе оқ доналарни сурган бўлса ҳам оғир аҳволда қолди. Натижада ўзининг мағлубиятга учраганлигини тан олди. Шундай қилиб бу матчда ҳисоб тенглашди. Ҳисоб 5,5:5,5.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Сизга маҳзур шеърлар. 10.35 — Қора учбурчак. Бадиий фильм. 2-серия. 11.40 — Фильм-концерт. 12.40 — 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — Ҳаёт ва ижод саҳифалари. 16.45 — Шахмат мактаби. 17.15 — Тажриба якунланганда. 17.45 — Кейт. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Л. А. Фотиева туғилган кунинг 100 йиллигига. 20.00 — Фильм-концерт. 20.20 — Қора учбурчак. Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Кинопанорама. 23.35 — Дунё воқеалари. 23.50 — Концерт.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильм. 10.05 — 12.05 Инглиз тили. 10.35 — 11.40 — Тарих. 11.00 — Умумий биология. 11.30 — Кама тонглари. 12.40 — 13.40 — Ўқув кўрсатуви. 13.10 — Монументал пропагандининг ленинча плани. 1-кўрсатув. 14.10 — С. С. Прокофьев музикаси. 14.55 — Қадимий Миср маданияти. 15.25 — География. 15.55 — Ҳаёт ва ижод саҳифалари. 16.45 ва 19.30 — Ҳужжатли фильмлар. 20.50 — Концерт. 21.15 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Сокол».

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Рус адабиёти. 12.00 — Бизнинг Ер-олаш. 12.30 — Шимолий дарёлар эртаги. 13.10 — Интернационал шеърият кечаси. 18.20 — Мультфильмлар. 18.55 — Ёшлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Алкоголизмнинг зарари ҳақида телефильм. 20.00 — Дунё воқеалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Терговни билимдонлар олиб боради. Бадиий фильм. 2-серия.

ТОШКЕНТ-II 18.10 — Музикали телефильм. 18.40 — Ҳужжатли фильмлар. 19.15 — Пахтакорлар хизматида. 19.45 — Ёғоч ҳунармандлиги. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Советлар мамлакатининг нишлари. 21.30 — Марказий телевидениенинг IV программаси.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 9.35 — Жонажон партия ҳақида куйлаймиз. 11.15 — Коммунистлар мусобақа авангардида. 11.25 — Композитор М. Тожиевнинг ижодхонасида. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Сулолалар шарафи. 14.00 — 5 миллион 900 минг тонна «оқ олтин» учун. 19.25 — М. Бафоев. Абу Али ибн Сино шеърига рубаилар. 20.50 — Инсон ва қонун. 21.00 — Пахтакорларнинг талабларига биноан концерт. 22.30 — Бугун радиотеатрда. Обид кетмон. Повесть асосида радиопостановка. 23.20 — Дам олиш концерти.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/Ҳда **Алмандар**, 18/Ҳда **Оқ танқилар** (11.00, 15.00), **Олтин девор** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/Ҳда **Ишонмасанг ўламан**, 18/Ҳда **Хизматингга тайёрмиз**, 19/Ҳда **Дилафрўзга тўрт ошиқ.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Москва Давлат цирки артистларининг хайлашув гастроллари.**

Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссариатларининг шахсий состави Оржоникидзе район ҳарбий комиссариати бошлиги, полковник Қ. Бакаевга отаси

Абдумаони БАКАХЎЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Республика болалар суяк сили касалликлари санаторийси коллективи ўқув-тарбия ишлари бўйича санаторий бош врачининг ёрдамчиси С. Х. Саидҳўжаевга отаси

Саидҳўжа АҲМАДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат консерваторияси коллективи профессор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, кафедра мудири А. О. Одиловга отаси

Одил БОБОМУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.
Редакция адреси: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.
ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назариясы пропаганда — 32-53-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиш — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-55; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.
Р. 02271. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 239.